БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 4 (12.357) | Шанба, 5 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА ЕТИШТИРИШДА ЕТТИ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРАЙЛИК

Ўз жонажон Коммунистик партиясининг фахбарлиги остида коммунизмнинг нурли чўққилари сари олға бораётган қаҳрамон совет халқи 1963 йил — етти йилликнинг бешинчи йили календарини зўр ифтиҳор туйғулари билан очди. Янги йилнинг биринчи кунларидаёқ бутун мамлакат бўйлаб коммунизм қурувчиларининг илҳомбахш ижодий меҳнати, халқ ташаббуси бутоқдек қайнаб тошмоқда, коммунистик меҳнат ҳаракати қудратли тўлқин каби кенгайиб бормоқда. Болтиқ денгизидан Қуриль ороллариигача, Шимолий муз океанидан Помир этакларигача кенг кулоч ёзган умумхалқ социалистик мусобақаси совет кишиларининг етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари муваффақиятли бажариш учун катъий бел боғлаганлигини ёрқин намойиш қилмоқда.

Етти йиллик план топшириқларини амалга оширишда барча иттифоқчи республикалар қатори Совет Ўзбекистони ҳам муайян ютуқларни қўлга киритди. Республика саноати асосий кўрсаткичлар бўйича етти йилликнинг контроль рақамларида белгиланган даражадан олдинда бормоқда. Машинасозлик, рангли металлургия, бинокорлик материаллари саноати ва оғир индустриянинг бошқа тармоқлари контроль рақамларда кўзда тутилганига нисбатан тезроқ ривожланмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам етти йиллик план топшириқларини бажаришда анча муваффақиятларга эришдилар. Каноп пояси ва қорақўл тери етиштириш, дон, картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, гўшт, сут, жун, тухум тайёрлаш соҳасида етти йиллик топшириқлари тўла ва ошириб бажарилди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи хисобланган пахта етиштириш етти йилликнинг тўрт йили мобайнида бундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан қариб 900 минг тонна кўпайтирилган бўлса ҳам, лекин пахта етиштириш юзасидан етти йилликнинг тўрт йили учун берилган топшириқ бажарилмай қолди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган Мактубида ва ноябрь Пленумида килган докладида пахта етиштириш соҳасидаги қолоқликни жуда тўғри танқид қилиб, бундай деган эди:

«Ўрта Осиё республикалари дон ва гўштдан ташқари пахтачиликка биринчи даражали аҳамият беришлари лозим. Пахта етиштириш ҳозирча пландан орқада қолмоқда, бу эса жиддий ташвиш туғдирмоқда. Пахтачилик Ўрта Осиёдаги кўпчилик республикаларда қишлоқ хўжалигининг энг асосий тармоғидир. Зарур куч ва воситалар ана шу ҳал қилувчи соҳага сафарбар қилинмоғи керак».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Ўзбекистон колхоз ва совхозларида пахта етиштириш соҳасида етти йиллик план топшириқларини бажариш тадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама килмоқ учун 1963 йил февраль ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумини чақиришга қарор қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг чақирилиши ва бу пленумда пахта етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги масаланинг махсус муҳокама этилиши республикамиз партия ташкилоти ҳаётида муҳим воқеадир. Пленум, шубҳасиз, республика колхоз ва совхозларида пахта етиштириш соҳасида етти йиллик план топшириқларини сўзсиз бажариш учун зарур тадбирларни белгилаб беради, партия совет ташкилотларини ва барча меҳнаткашларни совет пахтачилигини кескин юксалтириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашининг олдинги сафларида бўлишга даъват этади.

Халқ меҳр-муҳаббат билан «оқ олтин» деб ном берган пахтамиз улуғ социалистик Ватанимизнинг жуда катта қимматли бойлиги. Ўзбек халкининг миллий ифтихори, шон ва шавкатидир. Пахтакорларнинг қадрдон дўсти ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев ўтган йили кузда республикамизга келган вақтида давлат манфаатлари пахта етиштиришни тез кўпайтиришни талаб этяпти, одатда пахтани «оқ олтин» деб аташади, лекин пахта олтиндан ҳам қимматдир, деди. Пахта ўзбек халкининг коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига кўшадиган энг муҳим ҳиссаси, улуғ рус халки ва СССРдаги бошка барча қардош халқлар билан абадий бузилмас дўстлигининг моддий ифодасидир. Дон, металл, нефть халк хўжалигимиз эҳтиёжи учун қанчалик зарур ва аҳамиятли бўлса, пахта ҳам ана шундай аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам ҳақли суратда Совет Иттифокининг асосий пахта кони деб ном олган Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта етиштиришни тобора кўпайтиришни қардош совет халклари олдидаги, социалистик мамлакатларнинг кудратли ҳамдўстлиги олдидаги ўзларининг энг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб биладилар.

Азамат пахтакорларимиз ўзларининг ана шу юксак бурчларини чуқур англаб, ўтган йили пахтачилик учун ноқулай келган об-ҳаво кийинчиликларини ва сув танқислигини мардонавор енгиб, партия ва ҳукуматимизнинг жуда катта ёрдами билан пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Хоразмнинг миришкор пахтакорлари ҳар гектар ердан 29.4 центнердан ошириб ҳосил олдилар ва етти йилликнинг тўрт йили ичида контроль рақамларга кўшимча равишда 148 минг тоннадан кўпроқ пахта бердилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети хоразмликларга юборган табрикномасида Хоразм области мўл ҳосил учун курашда барча пахтакорларга ибрат кўрсатмоқда, деб уларнинг шонли меҳнат зафарларини жуда юксак баҳолади.

Ўтган йили 2 та ишлаб чиқариш бошкармаси, 17 та район, 200 га якин колхоз ва 14 совхоз пахта тайёрлаш планини адо этди. Самарқанд ва Қорақалпоғистон АССР давлат планини бажармаган бўлсалар ҳам, пахта етиштиришда етти йилликнинг контроль рақамларида мўлжалланган даражада бормоқдалар.

Шу билан бирга, пахта етиштиришда кўпгина область ва районлар жиддий равишда орқада қолаётганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Етти йилликнинг тўрт йили учун белгиланган топшириқларга нисбатан Фарғона области пахтани 299 минг тонна, Тошкент области 211 минг, Бухоро области 176 минг, Андижон области 122 минг ва Сурхондарё области 33 минг тонна кам берди. Бу областлар халкдан кўп миқдорда пахта қарздор бўлиб қолмоқдалар.

Кўпгина колхозларимиз, совхозларимиз ва районларимиз ҳали жуда кам ҳосил олмоқдалар. 1961 йили экин майдони 640 минг гектардан ошиқ бўлган 388 хўжаликнинг ҳар гектардан олган пахтаси 20 центнерга ҳам бормади. Бултур эса ана шундай колхоз ва совхозларнинг сони 500 дан ошиб кетди.

— **Бизда,** — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев ноябрь Пленумида қилган докладида, — **пахта майдонларини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда, янги ирригация иншоотлари барпо қилинмоқда. Лекин бу, ишнинг бир томони, холос. Биз пахта етиштиришни нуқул янги ерларни ўзлаштириш йўли билан кўпайтира беришга кўз тутиб тура олмаймиз. Ҳамма суғориладиган ерларда ҳосилдорликни ошириш чораси кўрилиши зарур ва бу ўринда ишнинг муваффақияти партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишига, ишлаб чиқариш бошқармалари, мутахассислар, олимларнинг фаолиятига боғлиқдир. Афсуски, бу соҳада ҳали хамма ишни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шу сабабдан бир хил шароитда ҳосилдорликда катта тафовутлар мавжуддир. Бир хил колхоз ва совхозлар гектар бошига 30-50 центнердан пахта териб олаётгани ҳолда, бошқа бир колхоз ва совхозлар 12-15 центнердан пахта териб олмоқда. Агар ана шу колхоз ва совхозлар ақалли гектар бошига 25 центнердан пахта олаётган ўртача колхозлар даражасига кўтарилса, ҳозирги майдонларнинг ўзидан ҳозир сарфланаётган меҳнат, маблағ, минерал ўғитлар билан умуман мамлакат бўйича пахта ҳосилини кўпайтириб, етти йиллик планда белгиланган даражага етказа олиш мумкин бўлур эди».**

Ўртоқ Н. С. Хрушчев томонидан партия XXII съездида, Тошкент зона кенгашида ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида кўйилган ана шу вазифани тезроқ бажариш — пахтачилик сохасидаги ишимизда энг асосий масаладир. Ҳосилдорлик жиҳатидан орқада қолаётган хўжаликларни кўтариш тўғрисидаги умумий чақириқлардан конкрет, амалий ишга ўтиш, бу масала юзасидан Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг V пленуми белгилаган тадбирларни амалга ошириш — барча партия, совет ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Комплекс механизациялашни тезроқ тугаллаш ва энг муҳими — хамма жойда пахтани машина билан теришга кўчиш — пахтачиликни янада юксалтириш соҳасидаги бутун ишимизнинг муваффақиятини ҳал киладиган гоят революцион тадбирдир. Маълумки, машинада пахта териш пахтачиликда техника тараккиётининг асосий звеноси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб колади. Лекин, очиқ эътироф қилиш керакки, ўтган йили республикамизда машинада пахта териш плани бажарилмади. Хусусан машинада пахта териш Фарғона, Бухоро, Андижон, Самарқанд областларида ва Қорақалпоғистон АССРда коникарсиз уюштирилди. Фарғона ва Тошкент областлари партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари пахтани машинада теришда лозим бўлганича қатъиятлик ва принципиаллик кўрсата олмадилар.

Бу жуда муҳим ишдаги қолоқликка катъий барҳам бериб, консерваторларни шафқатсиз фош килиш, машинага чинакам кенг йўл очиб бермоқ учун ҳар қандай шароитда хосилнинг барвақт етилишини таъминлаш, машинада пахта териш — арзон пахта етиштиришни кўпайтиришнинг энг асосий йўли эканлигини тушуниб олиш керак.

Бу йил республикамизда бултургидан анча кўп пахта машинада териб олиниши керак. Бу — тамомила реал вазифадир. Бу вазифани уддалаш учун бизда ажойиб механик-хайдовчи кадрлар ва етарли миқдорда техника бор. Пахта теримини механизациялаш соҳасидаги ишларнинг бутун комплексини тўғри уюштириш ва бу муҳим ишга яқиндан туриб мохирлик билан малакали раҳбарлик қилиш керак.

Республикамиз колхоз ва совхозлари пахта етиштиришни бу йил камида 3 миллион 400 минг тоннага, 1964 йилда 3 миллион 560 минг тоннага ва 1965 йилда 3 миллион 830 минг тоннага етказишлари лозим. Бу улкан ва шарафли вазифани муваффақиятли бажариш учун ҳозирдан бошлаб умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириб юбориш, пахта етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратиш керак.

Пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан берилган бу йилги топшириқнинг уддасидан чиқиш — етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи шартидир. Шу сабабли Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленумининг очилишигача 1963 йил ҳосили учун зарур бўлган хамма кузги-кишки тадбирларни ўтказишни асосан тугаллаш керак. Янги хўжалик йилида пахтачиликни ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган катта вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун шу кунларда мустахкам пойдевор яратиш зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олайлик. 1963 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва пахтачилик соҳасида етти йиллик план топшириқларини сўзсиз бажариш учун умумхалқ юришини бошлайлик!

ЯНГИ ЕРЛАРГА ҲУЖУМ

«Узсельхозтехника» район бўлимининг ер қазиш ва текислаш ишлари билан шуғулланувчи отряди Шовот районининг хўжаликларида чигит, мактажўхори ва бошқа экинлар экиш учун янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритмоқда.

Отряд «Ленинград» колхозида янгидан ўзлаштирилган йигирма гектарлик массивни текислашни тугалламоқда. Айни вақтда бу ерда янги канал қазилмоқда, машина билан суғориш учун насос ўрнатилмоқда.

Ўн саккиз бульдозер ва скрепер билан таъминланган бу отряд ўтган йили ярим миллион кубометрдан кўпроқ тупроқ қазиш ишларини бажарди. Йиллик план 110 процент қилиб адо этилди.



АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Чуст районидаги Карл Маркс номли колхоз тайёрлов пунктига 3470 тонна «оқ олтин» топшириб, ўтган йили планни районда биринчи бўлиб бажарди. СУРАТДА: комсомол аъзоси Ф. ДАВЛАТҚУЛОВА. У мавсум бошидан буён 9 тоннадан кўпроқ пахта терди.

Е. Корниенко фотоси., (ЎзТАГ фотохроникаси)

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлаш ва ҳосилни машинада теришнинг бориши тўғрисида 1963 йил 1 январга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Мавсумда	Машина терими
ХОРАЗМ	109,02	63,24
Сурхондарё	91,57	75,40
Қорақалпоғистон АССР	89,49	55,49
Андижон	87,43	45,35
Тошкент	82,95	60,73
Фарғона	81,78	29,54
Самарқанд	80,85	46,53
Бухоро	73,50	22,05

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ МАККАЖЎХОРИЧИЛАРЛИК БРИГАДАСИНИНГ БОШЛИҒИ СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ЛЮБОВЬ ЛИНИНГ «МЕҲНАТ ВА ШОН-ШУҲРАТ ҲАҚИДА» МАҚОЛАСИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон КП Марказий Комитети Президиуми Любовь Лининг 1963 йил 3 январда «Известия» газетасида босилган «Меҳнат ва шон-шуҳрат ҳақида» сарлавҳали мақоласида «Политотдел» колхози аъзоларининг пахта, каноп, маккажўхори, нўхат ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун кураштаги қимматли тажрибаси умумлаштирилганлигини қайд қилиб ўтди. Республиканинг барча колхоз ва совхозларида бу тажрибаларнинг жорий этилиши пахтачиликни янада юксалтиришда, маккажўхори етиштиришни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Узбекистон КП Марказий Комитети Президиуми «Меҳнат ва шон-шуҳрат ҳақида» сарлавҳали мақолани барча республика ва область газеталарида эълон қилиш, радио ва телевидение орқали эшиттириш вазифасини юклади.

Область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органларига Любовь Лининг мақоласини барча далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларида муҳокама қилишни ташкил этиш, «Политотдел» колхозининг илғор тажрибасининг кенг жорий қилинишини таъминлаш топширилди.

Марказий Комитет Президиуми область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига:

1963 йилда пахтадан, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун, жамоат чорвачилигини янада юксалтириш, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш планларини тўла ва ортиғи билан бажариш учун колхоз ва совхозларда, далачилик бригадалари ҳамда чорвачилик фермаларида социалистик мусобақани ташкил этиш;

колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини экиш кампаниясига муваффақиятли тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишга сафарбар этиш;

колхозларни ва совхозларни пахта ва бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлашга лаёқатли мутахассис кадрлар ва тажрибали ташкилотчилар билан мустаҳкамлашни яқин кунларда тамомлаш вазифаларини юклади.

Область партия комитетларига илғор тажриба мактабларида машғулотлар ўтказиш вақтида «Политотдел» колхози ва Любовь Ли бригадасининг тажрибасини чуқур ўрганишни таъминлаш топширилди.

ЙИЛИГА ИККИ ҲОСИЛ

Марҳамат районидаги «Правда Востока» колхозида мутахассисларнинг айтишича, ҳар гектар ердан тўлиқ фойдаланилмоқда. Бу хўжаликда йилига икки ҳосил олишга, гектар бошига ўрта ҳосилда ўттиз центнердан ва бундан ҳам кўпроқ пахта етиштиришга, насослар ёрдами билан сув чиқарилган баҳорикор ерларда «оқ олтин» етиштиришга эришдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари мевали боғлар ва токзорларнинг қатор оралари қанд лавлаги ва маккажўхори етиштирмоқдалар.

МЎЛ ҲОСИЛГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАМИЗ

Участкамиз пахтакорлари ўтган йил катта хирмон кўтардилар. 688 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 36,5 центнердан пахта топширилиб, йиллик план бажарилди. Ўн битта далачилик бригадасидан 8 таси маррага етди. Ўртоқ Мамасоли Рустамов бошлиқ бригада 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ёки 1961 йилдагидан 6 центнердан зиёд ҳосил йиғиб олди ва мажбуриятини ошириб бажарди. Коммунист Аҳмаджон Асқаров, Собир Нурбоев, Абдуғаффор Халилов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам ҳар гектар ердан ўтган йилдагидан 4-6 центнердан ортиқ ҳосил йиғиб олдилар.

Механик-хайдовчи Ҳожира Тошмирзаева, Исроил Деҳқонов, Ҳошим Абдураҳимов, Исоқ Давлатов ўртоқлар машина бункеридан 60-68 тоннадан, Темирхон Муҳсинова, Боқи Пўлатов, Холпошша Турғунова, Зубайра Пирматова, Муталли Абдуллаев, Турғунби Адашева, Роҳат Мамасолиева сингари теримчилар хирмонга 10-15 тоннадан пахта тўкиб, эришилган ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Машинада 280 тонна пахта терилди. Шунингдек, 96 гектар майдондаги «дала маликаси»дан, нўхатдан ҳам юқори ҳосил етиштирдик. Ҳар гектар маккажўхоризордан 800 центнердан думбул сўтали кўкпоя, ҳар гектар ердан 18 центнердан нўхат олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда қўлиб ўтган пленуми ерни шудгорлаш ва бошқа қишки тадбирларни амалга оширишни муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди. Участка партия ташкилоти асосий эътиборни ана шу вазифани бажаришга, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишга қаратмоқда.

Маълумки, шудгор ҳосилнинг калитидир. Шудгорланган майдонларнинг тупроқ структураси яхшиланиб, унумдорлиги ошади, ер ҳашаротлардан тозаланади. Дала ишлари конвейер усулда ташкил қилинди. 6 та ғўзапоя юлиш машинаси, 3 та «СУЗ» машинаси, 4 та трактор узлуксиз ишлаб турибди. Тракторчи ўртоқ Баҳриддин Жўраев кунига 8-10 гектар ерни ҳайдамоқда. Тракторчи Умматали Ҳусанов, Ҳожимирза Ботиров, Эгамберди Тиллаев ўртоқлар ҳам ер ҳайдашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 500-600 килограммдан суперфосфат солиняпти. Ҳозиргача 350 гектардан ортиқ ер сифатли ҳайдаб қўйилди.

Биз қиш давомида кўплаб маҳаллий ўғит жамғарамиз ва чиритиб қўямиз. Гўнг ҳосилга ҳосил қўшадиган катта резервдир. Далага 2500 тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқарилди. Барча транспорт воситалари маҳаллий ўғит жамғаришга сафарбар этилди.

15 январгача ерларни тўла шудгорлаб қўямиз. Қишки тадбирларни тўла, сифатли амалга ошириб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг февраль пленумини янги меҳнат зафарлари билан муносиб кутиб оламиз.

А. ФОЗИЛОВ,

Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхози Қумқўрғон участкасининг агрономи.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

3 январда «Ташавтомаш» заводида партия йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ва завод коллективининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда 3-цех штамповкачиси, цех партия ташкилоти бюросининг секретари Н. Н. Мисенко, 1-цех бўёқчилик конвейери старший мастери Н. Хайриддинов, 2-цех партия ташкилоти бюросининг секретари В. В. Славин, механизация бўлимининг бошлиғи С. П. Лем, 1-цех коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи К. Мустафин, 3-цех штамповкачиси Ш. Муротов, 160-қурилиш тресті бошлиғи А. А. Абдуҳамидов, 7-цех шлифовкачиси Д. Т. Салимов, завод директори И. К. Припусков қатнашдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. «Ташавтомаш» заводининг коллективи 1963 йилда пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун пландан ташқари бир минг прицеп тайёрлаш мажбуриятини олди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатлари 1963 йил 1 мартда ҳамда саккизинчи чақириқ меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари депутатларининг ваколатлари 1963 йил 5 мартда тугаши муносабати билан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳамда меҳнаткашлар депутатларининг область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов 1963 йил 3 март якшанба кунига тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1963 йил 4 январь.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХАЛҚ МАОРИФИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада халк маорифининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мактаб тўғрисидаги Қонунга, КПСС XXII съездининг қарорларига ва партия Программасига мувофиқ, Ўзбекистонда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш соҳасида бирмунча иш килинди. Республикадаги етти йиллик мактабларнинг хаммаси саккиз йиллик мактабларга айлантирилди, 1333 та умумий таълим мактаби ишлаб чиқариш таълими жорий қилинган ўрта мактабларга айлантирилди, ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечки-сменали мактаблари, мактаб-интернатлар, кўпи узайтирилган мактаблар ва группалар сони кўпайтирилди. Ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими беришни ташкил қилиш яхшиланди.

Халқ маорифининг таълим-моддий базаси кенгайтирилди ва мустаҳкамланди. Ҳар ўн мактабдан тўққизтаси бир сменада шуғулланмоқда. Ўқитувчиларимиз сафида малакали педагог кадрлар кўпайди.

Кўпгина мактабларнинг коллективлари шу имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланиб, илғор педагогика тажрибасини ижодий қўлланиб, таълим-тарбия ишида муваффақиятлар қозондилар. Ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишлари яхшиланди.

Мактаб тўғрисидаги Қонунга, КПСС XXII съездининг қарорларига ва партия Программасига мувофиқ, Ўзбекистонда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш соҳасида бирмунча иш килинди. Республикадаги етти йиллик мактабларнинг хаммаси саккиз йиллик мактабларга айлантирилди, 1333 та умумий таълим мактаби ишлаб чиқариш таълими жорий қилинган ўрта мактабларга айлантирилди, ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечки-сменали мактаблари, мактаб-интернатлар, кўпи узайтирилган мактаблар ва группалар сони кўпайтирилди. Ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими беришни ташкил қилиш яхшиланди.

Халқ маорифининг таълим-моддий базаси кенгайтирилди ва мустаҳкамланди. Ҳар ўн мактабдан тўққизтаси бир сменада шуғулланмоқда. Ўқитувчиларимиз сафида малакали педагог кадрлар кўпайди.

Кўпгина мактабларнинг коллективлари шу имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланиб, илғор педагогика тажрибасини ижодий қўлланиб, таълим-тарбия ишида муваффақиятлар қозондилар. Ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишлари яхшиланди.

Ўқув программасини юзаки ўтиш фактлари содир бўлмоқда, бошлангич синфларда болаларни ўқитиш яхши бормаётир, ишлаб чиқариш таълими беришдаги, ўқувчилар орасида тарбиявий ишларни ташкил этишдаги камчиликлар батамом тугатилмаган. Айрим партия, совет, комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари мактабларнинг ишини чуқур ўрганмаётирлар, уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатмаётирлар, умумий таълим масалалари билан ва мактабларнинг бошка ишлари билан мунтазам шуғулланмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада халк маорифи ишини янада яхшилаш, мактабларнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш йўлида жиддий чоралар кўришни зарур деб ҳисоблайдилар.

УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ОҒИШМАЙ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети умумий мажбурий таълим тўғрисидаги Қонунни оғишмай амалга ошириш вазифасини партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги зиммасига юкладилар. Мактаб ёшидаги болаларни хисобга олиш ишида тартиб ўрнатиш, болаларнинг ҳаммаси мактабда ўқиётган ёки ўқимаётганлигини жамоатчиликнинг кучи билан мунтазам равишда текшириб туриш, турли сабаблар билан мактабдан кетиб қолган болаларнинг хаммасини 1963 йил 15 февралдан кечиктирмай мактабга қайтариш, ўқувчиларнинг мактабдан кетиб колишига бундан буён йўл қўймаслик керак. Ақлий ва жисмоний нуксонлари бўлган, шунингдек узоқ вақтдан бери бетоб ётган болаларни ҳам аниқлаб, уларнинг хаммасини 1963-64 ўқув йили бошлангунча махсус мактабларга, мактаб-интернатларга жойлаштириб қўйиш ёки уйда ўқитишни таъминлаш лозим. Болаларнинг мактабга бориши учун ота-оналарнинг масъулияти оширилиши лозим.

Республиканинг умумий таълим мактабларида 1963-65 йилларда ўқиши лозим бўлган ўқувчилар сонига доир план тасдиқланди. 1963-64 йиллар ичида мактаблар

(Охири иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХАЛҚ МАОРИФИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошы биринчи бетда)

нинг микрорайонларини қайта кўриб чиқиш ва бу микрорайонларнинг янги карталарини тузиш, мактабларнинг умумий таълим фондларини вужудга келтириш ва сарфлашни тартибга солиш мактабдан узоқда яшовчи ўқувчиларни мактабга доимо транспорт билан олиб келишни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Мактаб ҳузуридаги интернатларни, куни узайтирилган мактаблар ва группаларни кенгайтириш ва кўпайтириш кўзда тутилади.

Ҳамма мактабларнинг микро участкаларида олти ёшлик болаларни мактабга киришга тайёрлаш мақсадида шу болалар билан ишлашни ташкил этиш, бу ишга болалар боғчаларининг тарбиячиларини, бошланғич синфларнинг ўқитувчиларини, пенсионер ўқитувчиларни ва медицина ходимларини тортиш керак.

Ишчи, кишлоқ ёшларининг кечки (сменали) мактабларининг ҳамда қатнаб ўқиладиган — сиртқи мактабларнинг ишларини кескин равишда яхшилаш, таълим-тарбия ишининг сифатини ошириш, шу мактабларни тажрибали ўқитувчилар билан мустаҳкамлаш зарур.

Ишлаб турган ва саккиз йиллик маълумоти бўлмаган ёшлар 1963 йил 20 июлдан кечиктирмай ҳамма корхоналарда, муассасалар, колхозлар ва совхозларда ҳисобга олиб, ўқишга тортиш лозим. Корхоналарда, колхоз ва совхозларда катта ёшдаги кишиларнинг ўқишига ёрдам берувчи доимий комиссиялар тузиш тавсия қилинади. Ишчи ва кишлоқ ёшлари мактабларидан ўқувчиларнинг ўқишни ташлаб кетиб колишларининг олдини олиш ҳам ана шу комиссиялар вазифасига киради. Социалистик мусобақага якун ясаган вактда корхонада, колхозда ва совхозда ёшларнинг умумий ва профессионал таълими қандай йўлга кўйилганлигини муҳим кўрсаткич сифатида назарга олиш мақсадга мувофиқдир.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўқитувчиларнинг куч-ғайрати ва ижодий ташаббуси ўқувчиларга таълим бериш сифатини янада оширишга, таълимнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлашга, ўқитишдаги, айниқса математика, физика, рус тили, ўзбек тили ва бошқа тилларни ўқитишдаги камчиликларни катъиян бартараф қилишга мактабда таълим беришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи воситаси бўлган дарснинг ролини янада оширишга, ўқитишнинг энг янги методларини ҳамма мактабларда ижодий тарзда ўзлаштириш ва қўлланишга қаратилиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Таълим беришда кўрғазмали қуроллардан янада кенгроқ фойдаланишга эришиш, лаборатория ишларини, корхоналарга, илмий тадқиқот ва тажриба муассасаларига колхоз ва совхозларга экскурсияларни мунтазам ўтказиб туриш, ўқувчилар билан синфдан ташқари ва мактабдан ташқари иш олиб боришни яхшилаш, тўгаракларни кўпроқ ташкил қилиш, математика олимпиадалари ва бошқа олимпиадаларни тез-тез ўтказиб туриш керак. Замонавий техника воситалари: радио, кино, телевиденени ўқув процессига кенгроқ жорий қилиш зарур.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институтларида таълим кино кабинетлари бўлиши лозим. Халқ маорифи органларининг талабларига мувофиқ, фильмларни дубляж қилиш, шунингдек телевиденение орқали кўрсатиш кўзда тутилади.

Бошланғич мактабларнинг ишини кескин суратда яхшилаш керак. Бошланғич мактаб кадрлари сафини юқори малакали ўқитувчилар билан тўлдириш зарур. Бошланғич мактабларни саккиз йиллик ва ўрта мактабларга бирлаштириб кўйиш тажрибаси диққатга сазоворлиг, улар бошланғич мактабга доим методика ёрдами ва амалий ёрдам бериб туришлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети рус тили ўқитишни янада яхшилаш зарурлигини яна бир марта уқтириб ўтадилар. Мактабда рус тилини ўқитиш ҳамма ўқувчиларнинг рус тилини яхши билиб олишларини таъминлаши лозим. Кўриладиган тадбирлар орасида радио ва телевидение орқали рус тили бўйича мунтазам суратда оммабоп дарслар ўтказиш ҳам кўзда тутилади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига ва унинг Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институтларига ўқувчиларнинг дарсларни яхши ўзлаштиришига эришган ва ўқувчиларнинг бир синфда икки йил қолишини тугатишга муваффақ бўлган ўқитувчиларнинг тажрибасини ҳисобга олиб, дарсларни янада самарали қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш топширилди.

Ўқитишда совет педагогика фани ва практикаси илгари сурган хилма-хил энг яхши методларнинг хаммасини кўлланиш лозим.

Педагогика фани ва практикаси соҳасидаги ҳар қандай турғунлик ва консерватизм кўринишларига карши катъий кураш олиб бориш керак. Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳузурида психология секторини тузиш, 1963 йилнинг март ойида педагогика ва психология масалаларига бағишланган илмий конференция ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Рус ва ўзбек тиллари ҳамда адабиёти бўйича. Ўлкашунослик ва ишлаб чиқариш таълими дарслари бўйича ҳамма типдаги мактаблар учун янги программалар ва дарсликлар яратишни тезлаштириш керак.

Қарорда ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни янада яхшилаш тадбирлари белгиланди. Мактабдаги комсомол ва пионер ташкилотларининг ишини активлаштириш, мактабдаги ғоявий-сиёсий ишларнинг мазмуни устидан партия контролини кучайтириш, мактабдаги янги курс — ижтимоиёт курсини муваффақиятли жорий қилишга ёрдам бериш, ўқувчиларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида баён этилган маънавий принциплар руҳида тарбиялашда мактабларга ёрдам кўрсатиш керак.

Тошкент шаҳридаги бир қанча мактабларнинг педагогика коллективлари ва комсомол ходимлари кўрсатган ташаббус маъқулланди. Бу мактабларда тажрибали педагоглар ва тарбиячилар орасидаг тарбиявий ишларни ташкил қилиш бўйича жамоатчилик асосларида иш олиб борадиган директор ўринбосарлари сайланган. Шу билан бирга таъкидланадики, ўқувчилар орасида тарбиявий иш олиб бориш ҳар бир ўқитувчининг, бутун педагоглар коллективининг, мактаб директорининг, мактаб партия ва комсомол ташкилотларининг энг биринчи бурчи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Пионер вожатийлари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш республика курслари яна ишлай бошлайди, ишлаб чиқариш таълими йўлга қўйилган мактабларда старший пионер вожатийларни тайёрлаш кенгайтирилади.

Газета, журнал, радио ва телевидение редакцияларига мактаб турмушини мунтазам ёритиб бориш таълим ва тарбия ишларининг, педагоглик маҳоратининг энг яхши намуналарини пропаганда қилиш топширилди. Кам деганда ойига икки марта «Ўқитувчилар газетаси»нинг бир саҳифаси дарслар рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг тажрибаси тўғрисидаги материалларга бағишланиши лозим.

Ашула, музика, расм ва жисмоний тарбия дарсларини яхшироқ ўтказиш, шунингдек синфдан ташқари музика-бадиий ва оммавий спорт ишларини бутун чоралар билан кенгайтириш йўли билан ўқувчиларга эстетик ва жисмоний тарбия бериш савиясини ошириш керак.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ТУРМУШГА, МЕҲНАТГА ТАЙЁРЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети политехника циклидаги фанларни ўқитишда педагогик маҳоратни ошириш, меҳнат дарсларининг педагогик маданиятини юксалтириш, ўқувчиларнинг мактаб олди участкаларида, лабораториялар, мастерскойларда, корхона ва қурилишларда ишлашида тартиб ўрнатиш зарурлигига эътиборни қаратадилар.

Ишлаб чиқариш таълими жорий этилган барча қишлоқ мактабларида 1963 йил 1 февралдан кечикмай, техника билан ва малакали мутахассислар билан таъминланган таълим-ишлаб чиқариш бригадалари тузилиши лозим. Яхши механизациялашган илғор колхозларда, совхозларда ва қишлоқ хўжалик тажриба станцияларида 9-11-синфдан иборат ишлаб чиқариш таълими жорий этилган ва интернатлари бўлган ўрта мактаблар бўлиши лозим. 1963 йилда кўпчилик корхоналарда таълим цехлари ва участкалари ташкил қилиш мўлжалланади. Республика Госпланига ҳамда тегишли министрликлар ва бошқармаларга ана шундай таълим цехлари ва участкаларини ривожлантиришнинг яқин уч йилга мўлжалланган планини ишлаб чиқиш топширилди. Улар республика экономикасининг ривожланишини ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўқувчиларнинг профессионал тайёргарлигини планлаштиришда ҳам тартиб ўрнатишлари лозим.

МАКТАБЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-МОДДИЙ БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Мактабларнинг таълим-моддий базасини янада мустаҳкамлаш, мактаблардаги машғулотларни бир сменага кўчиришни тугаллаш республика партия, совет ташкилотларининг, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг, республика халқ маорифи органлари, министрликлари, бошқармалари ва жамоатчилигининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика мактабларидаги машғулотларни бир сменага кўчириш юзасидан область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг тадбирларини маъқулладилар.

Белгилаб қўйилдики, жойлардаги партия ва совет органларини қайта қуриш давомида бўшайдиган ҳамма бинолар мактабларга, болалар муассасалари ва даволаш муассасаларига топширилади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети мактаблар ва мактабинтернатларнинг биноларига қўшимча иморат қуриш, уларни кенгайтириш ва ремонт қилиш, ўқув кабинетлари ва мастерскойлар ёнига қўшимча иморат қилиш ва янгиларини қуриш, шунингдек мактаб ва мактабларароғ таълим ва таълим-ишлаб чиқариш мастерскойларига ускуналар ва асбоб-анжомлар сотиб олиш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан ажратишлари лозим.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига ва партия ташкилотларига мактабларга ва мактаб-интернатларга оталиқ ёрдамини кучайтириш топширилди.

1963 йил учун мактаблар, мактаб-интернатлар ва уларнинг ётоқхоналарини қуриш юзасидан топшириқ ва бу объектларни фойдаланишга топшириш графиги тасдиқланди. Ҳар бир областда мактаб бинолари қуришга, мавжуд мактаб бинолари ёнига қўшимча иморатлар қуришга сарфланадиган маблағларни белгилаб қўйиш таклиф этилди.

Область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари иқтисодий жиҳатдан бақувват колхозларнинг ва республикадаги бошқа ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига мактаблар, ўқув кабинетлари ва устахоналарини қуриш, мактаб биноларига қўшимча иморатлар қуриш соҳасидаги ташаббусини ёйишлари керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозларнинг 1963 йилда мактаб қуриш планларини маъқуллаб, Ўзбекистон ССР Госплани зиммасига ана шу қурилишлар учун бинокорлик саноати корхоналарида «Ўзсельхозтехника» материалларидан томга ёпиладиган плиталар ва бошқа темир-бетон буюмлар тайёрлаб беришни кўзда тутиш, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси зиммасига эса ана шу мактаблар қурилиши учун бинокорлик материаллари ажратиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон ССР Госпланига ва Маориф министрлигига материаллар ажратиш ҳамда корхоналарда зарур миқдорда парталар, синф доскалари тайёрлашни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва Савдо министрлиги, шунингдек «Ўзбекбирлашув» маҳаллий об-ҳаво шароитларини ҳамда чидамли, чиройли ва арзон газламалардан тикишни ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар учун қишки ва ёзги форманинг янги моделларини ишлаб чиқишлари ва жорий этишлари керак, «Ўзбекбирлашув» системасида 1963 йилда қўшимча равишда болалар пойафзали ва кийим-кечаги сотиладиган 30 та ихтисослаштирилган магазин ташкил қилинади.

Зарур миқдордаги ҳамма дафтар ва бошқа ўқув қуролларини ишлаб чиқариш ва ўз вақтида жойларга олиб боришни таъминлаш, шаҳарларда область ва район марказларида ҳар йили август ойида ўқувчиларнинг формали кийимларини, дарсликлар ва ўқишёзиш асбоблари ҳамда ўқувчилар учун бошқа товарлар сотиш бўйича ярмаркалар уюштириш таклиф қилинди.

Область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига яқин йилларда ҳамма саккиз йиллик ва ўрта мактабларда ўқув мастерскойлари, шунингдек ўқув кабинетлари қуриш топширилди.

Ҳамма мактабларда буфетлар бўлиши керак. Савдо министрлигига, «Ўзбекбирлашув»га мактабларидаги ошхоналар шохобчаларини кенгайтириш буфетлар ва ошхоналарни хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам таклиф этилди.

Мактаб ўқувчиларига медицина хизмати кўрсатиш соҳасида тартиб ўрнатилиши ва мактабларнинг санитария аҳволи ҳамда ўқувчиларнинг шахсий гигиенаси устидаг контроль ўрнатилиши лозим. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги зиммасига мактабларнинг санитария аҳволи устидан қатъий назорат ўрнатиш, 1963-65 йилларда мактабларда фельдшерлик-медицина ва тиш кабинетларининг зарур шохобчаларини вужудга келтириш вазифаси топширилди.

1963-64 ўқув йилидан бошлаб мактаблар ва мактаб-интернатларнинг санитария паспорти жорий қилинади.

ХАЛҚ МАОРИФИГА РАҲБАРЛИКНИ ЯХШИЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларига биноан халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта қурилиши жойларда халқ маорифига ҳам партия раҳбарлигини янада кучайтириш имкониятини яратишини таъкидлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область партия комитетлари, партия комитетлари зиммасига пленумларда ва бюро мажлисларида ҳамда маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг мажлисларида халқ маорифи масалаларини муҳокама қилиш ва мактабларга доимий ёрдам кўрсатиб туриш вазифасини юклади. Коллектив аъзоларининг болаларига қандай таълим ва тарбия берилаётганлиги партия ва касаба союз ташкилотларининг йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама қилиб турилиши керак.

Аҳоли ўртасида педагогика пропагандасининг қолоқлигига барҳам бериш, педагогика билимлари лекторийлари, университетларининг кенг тармоғини вужудга келтириш, болаларга мактабда тарбия бериш ва ижтимоий тарбиянинг ролини ошириш, корхоналарда, уй бошқармалари ҳузурида, колхозлар ва совхозларда болаларга таълим ва тарбия бериш юзасидан онлага ва мактабга ёрдам комиссияларини тузиш зарур.

Маҳаллий партия ва совет органлари ҳамма ўқитувчиларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиш тадбирларини кўришлари, қишлоқ ўқитувчилари учун кўзда тутилган имтиёзларнинг тўла берилишини таъминлашлари, педагогларнинг ғоявий-назарий савиясини ва педагогик маҳоратини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатишлари, энг яхши ўқитувчиларни ҳар тарафлама рағбатлантиришлари лозим. Ножўя хатти-ҳаракатлари билан совет ўқитувчиси деган номга доғ туширадиган кишилар мактабларда бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги халқ маорифи органларига ва мактабларга раҳбарликни тубдан яхшилаши, жойларда ташкилотчилик ишини кучайтириши, мактабларга доимий ёрдам кўрсатиши, мактаб иши устидан контролнинг услуби ва методларини такомиллаштириши, мактабларни инспекция қилиш сифатини ошириши, дарс беришнинг илғор тажрибасини ўрганиши, умумлаштириши ва жорий қилиши зарур.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети комсомол комитетларининг ўқувчилар ўртасидаги тарбиявий ишни яхшилаш соҳасидаги фаолиятини активлаштириши, мактаблардаги комсомол ва пионер ташкилотлари билан, пионер вожатийларнинг фаолияти билан систематик ва конкрет шуғулланиши зарур.

Ўзбекистон касаба союзлари Советига касаба союз ташкилотларининг ишлаб чиқаришда машғул бўлган ёшларнинг умумий таълим савиясини ошириш, ўқувчиларга меҳнат ва ишлаб чиқариш таълими беришни яхшилаш масалаларида мактабларга ёрдам бериш соҳасидаги активлигини ошириш, корхоналар ва муассасаларнинг мактабларга оталиқ ёрдамини кучайтириш таклиф қилинди.

Партия комитетлари мактабларидаги бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилашлари, уларнинг мактаблардаги таълим-тарбия ишларининг аҳволи учун, ўқитувчи кадрларнинг ғоявий-назарий билимлар билан қуролланган бўлиши учун роли ва масъулиятини оширишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, халқ маорифи органларининг ва барча ўқитувчиларнинг, республикадаги бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини мактабларда таълим ва тарбия сифатини янада яхшилашга, халқ маорифининг таълим-моддий базасини мустаҳкамлашга, республикада бутун мактаб ишини янада юксалтиришга эришиш зарурлигига қаратади.

МЕҲНАТ ВА ШОН-ШУҲРАТ ҲАҚИДА

Любовь ЛИ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи

<> <>

Агар киши ҳалол меҳнат қилса, ҳамиша яхшироқ ишлашга интилса, эртами-кечми у шон-шуҳрат қозонади. Бизда шундай кишиларни айниқса қадрлайдилар, уларни юксак мукофотлар билан тақдирлайдилар. Биз гарчи мукофот учун меҳнат қилмасак ҳам, мукофот барибир эгасини қидириб топади.

Ниҳоят шундай кун етиб келадики, сенинг тўғрингда газеталарда ёза бошлайдилар, мақолаларингни, ҳатто суратингни босиб чиқарадилар. Ростини айтганда, бу жуда ёқимлидир. Бунинг устига, менинг билишимча, киши ҳар қанча камтар бўлса ҳам, у бошқаларнинг ҳам олга бориши учун ўз «сир»ларини айтиб бериши, тажрибаси билан ўртоқлашиши керак.

Мен ҳам газеталарга мақолалар ёздим, телевидение, радио орқали сўзладим. Мен ҳам маккажўхорикор бригадамизнинг, колхозчиларимизнинг меҳнати тўғрисида ҳамманинг хабардор бўлишини чин юракдан истардим. Менинг суратларим ҳам журналларда босилиб чиқди. Мени ҳатто кинода кўрсатишди.

Ниҳоят шундай кун келдики, мени СССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди. Ўша дамлардаги ҳис-туйғуларимни, қандай ўй ва ҳислар фикримни қуршаб олганини ҳеч қачон айтиб ado қилолмасам керак.

Шундан кейин эса мен мамлакатнинг юксак мукофотига — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвонга ҳам сазовор бўлдим.

Оддий колхозчи, оддий колхозчининг қизи учун бундан ҳам катта бахт, бундан ҳам чексиз шодлик бўлиши мумкинми? Менинг меҳнатимга шунчалик катта баҳо берган экан, бизнинг буюк Ватанимиз қандай олиҳиммат ва саҳий-а!

Буларнинг ҳаммаси мени қайта-қайта ўйлашга, янада яхши ишлашга руҳлантирди. Ҳолбуки, мен Ватанимизнинг бу чексиз ғамхўрлигини ҳеч қандай шахсий ютуқларим билан тўла оқлай олмаслигимни олдиндан билардим. Маккажўхоридан муттасил юқори ҳосил олиб келаётганлигим учун мени Ленин мукофотига тақдим этганликларини яқиндагина эшитдим.

Маккажўхори етиштиришдаги меҳнатимиз шундай юксак баҳога, шундай тақдирга арзийдими, йўқми, буни билмайман. Лекин шу нарсага қатъий аминманки, бу менингнма эмас, ҳаммамизнинг меҳнатимизга берилаётган баҳодир. Бу — кўпгина ўртоқларимизнинг меҳнати бедор ўтказган кечалари, кундалик орзу ўйлари, ақл-заковатлари, ўзаро дўстлик ва меҳр-муҳаббатларига берилган баҳодир.

Ҳа, мен «дала маликаси»ни севаман, унга бутун куч, қалбимни бағишлаганман. Бир куни газетада менинг тўрт фарзандим бор деб ёзишган эди. Мухбир унчалик янглишмаяпти: менинг Валерий, Август ва Аркашаларим ҳамда севимли қизим — маккажўхори бор. Кимки, экинни ёшлигидан кузатган, парвариш қилган, озиқлантирган ва суғорган, кимки ўсимликни шира тўплашини, кўкка қараб бўй чўзишини, бақувват бўлишини қунт билан кузатган бўлса, у мени тушунади ва мен умуман муболаға қилмаётганлигимни тасдиқлайди.

Шунингдек, маккажўхорини менинг кўпгина ўртоқларим ҳам севишади, унга қалбларини бераётганлар, қучларини, вақтларини сарфлайдилар. Мана, менинг ёрдамчим Ли Ден Хак. Биз у билан бригадамиз ташкил қилинган кундан буён бирга ишлаймиз. Кўпинча мен колхозда бир неча кунлаб бўлолмайман. Мен область партия комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзосиман, шу сабабли баъзан, бирор жойга лекция ўқигани боришга тўғри келади. Ахир, мен қайтиб келгунимча маккажўхори кутиб турмайди-ку, у озуқа ва сув талаб қилади, парвариш талаб қилади. Шундай пайтларда маккажўхори сира азоб чекмайди, чунки «дала маликаси»нинг меҳрибони Ли Ден Хак улар билан бирга колади.

Қайтиб келишим биланоқ: ишлар қалай, Ден Хак, деб сўраймам. Ҳамиша «жойида» деган бир хил жавоб оламан.

— Ҳеч қандай қийинчилик бўлмадими?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Мен-ку, бригада бошлиғининг ёрдамчиси доимо ҳосилнинг тақдири тўғрисида ғамхўрлик ва яна ғамхўрлик қилишини биламан. Кишиларни жой-жойига қўйиш, ишни ташкил этиш керак. Қаерга трактор қўйиш керакligини билиш ва экинни аъло даражада парвариш қилиш зарурлигини кузатиб бориш керак. Экинни тўғри суғориш зарур. Кишиларни қойиш ҳам, уларга далда бериш ҳам керак. Ахир, сенга ўнлаб кишилар ва юзлаб гектар ер ишониб топшириб қўйилгандан кейин шундай ҳам бўлади-да!

Жўнгина қилиб айтсам, Ли Ден Хак бўлмаганида эди, гектардан етмиш беш центнердан маккажўхори дони ҳам, карийб икки минг центнердан кўпроқ ҳам олинмаган бўлур эди.

Агар Константин Югай бўлмаганида ҳам бундай муваффақиятларга эришмаган бўлардик. Мен эрталаб далага бораётганимда, унинг қотма, баланд қоматини узоқданоқ кўраман. Бу ишчан ва толмас тадбиркор йигит йигирма йилдан буён тракторчи бўлиб ишлайди. Агар экинни яхши парвариш қилсанг, ҳатто энг талабчан контролёр ҳам ишингдан заррача айб тополмайди. Экинни бундай парвариш қиладиган ким? Костя! Ҳосилни сира чала қолдирмасдан, тез ва ҳадал йиғиштириб олаётган ким? Костя! Ким «СК-26» комбайнини олти метрли маккажўхорини ўриб олишга мослаштирди? У ҳам Костя.

«Малика»миз жуда новча, пояси йўғон бўлгани учун комбайн уни ўролмади. Костя Югай икки йилгача ундай ҳам, бундай ҳам қилиб кўрди. Дастлаб комбайнинг мотовиласини кўтарди, хедерини узайтирди, барибир бўлмади. Шундан сўнг у транспортёрга ўхшаш махсус асбобни ўйлаб топди: панжали занжир ҳаракат қилиб, поялари эгиб беради, хедер эса ўриб кетади. Жўнгина ва жуда соз! Костянинг ўрнида бошқа киши бўлганида, эҳтимол у комбайнни такомиллаштиридим деб хаммаёққа жар солган, мукофот талаб қилган бўларди. Костя бўлса, бунақа нарсалар тўғрисида хатто ўйлаб ҳам кўрмади. Унинг бутун фикр-зикри фақат бригада билан, ишимиз билан банд. Биз уни ихтирочи десак ҳатто у уялади ҳам.

Бригадамизда ажойиб йигит — сувчи Ҳамро Нурматов бор. Мен уни отасининг ёнига келиб юрган бўлалик пайтидан биламан — биз бундан саккиз йил муқаддам канопзорда бирга ишлардик. Серҳаракат, зехни ўткир йигитча эди, шунинг учун ҳам уни бригадамизга олдик.

«Суғориладиган ердаги маккажўхори» деб айтилади. Шунинг ўзиёқ тўғри суғориш маккажўхори учун қанчалик аҳамиятга эгалигини кўрсатиб турибди. Мен ёзнинг жазирама офтобида ўзингни кўйгани жой тополмаслигинг, бизнинг чангалзорга айланиб кетган маккажўхоризоримизда юриш ўёқда турсин, ҳатто нафас олиш оғирлиги, димлиги, қийин шароитда меҳнат қилишга тўғри келиши ҳақида гапириб ҳам ўтирмайман. Лекин энг муҳими шуки, ҳар бир эгатда сув оқимини ўз томиринг урганини сезгандек ҳис қилиб туришинг, экиннинг чанқашига йўл қўймаслигинг, экинга ортиқча ҳам ва кам ҳам сув тарамаслигинг зарур. Шундагина поялар қўкка бўй чўзади, сўталарда олтин дон етилади.

Бунга тажрибали, кекса сувчи ҳам ҳамиша муваффақ бўлавермайди. Игирма икки яшар йигит учун эса бу иш умуман қийин. Аммо Ҳамро ўз вазифасини уддаляпти, уддаланганда ҳам аъло даражада уддаляпти. У куннинг ҳам, тунинг ҳам участкада ўтказади.

Бригадамиз эришган муваффақиятларда Ҳамро Нурматовнинг ҳам ҳиссаси борми?

Энди газетхонларни колхознинг бош агрономи Андрей Пак билан таништирмоқчиман. Унинг суратлари газеталарда босилмаган. Шунинг учун, унинг қиёфасини қўлимдан келганча тасвирлаб бераман. Паст бўйли, озғин, сочлари тимқора, қайтарма ёқали кўйлак, этик (ахир у ҳамиша далада бўлади-да) кийиб юради.

Менинг маслаҳатларим, таъна ва тўзатишлари учун ундан чексиз миннатдорман, албатта! Ахир, кимнинг нуксони бўлмайди, дейсиз. Дўстинг сенинг эътиборингни йўл қўйган камчиликларингга жалб килса, уларни тузатиш йўлини кўрсатса, қандай яхши-я.

Даламизга кўк қурт тушганида Андрей ёнимиздан сира жилмагани эсимда (ахир, бош агрономнинг иши озмунча эмас — ҳам маккажўхоризорга, ҳам канопзорга, ҳам пахтазорга, боққа бориши керак-ку!).

Биз кўк қуртга қарши ўн кунча курашдик. Кундузи қурт экиннинг илдизида яшириниб ётади, кечаси, худди қароқчидек, бекиниб ётган жойидан чиқиб, маккажўхорининг барглари ва поялари орқали ўрмалаб тарқалади, янги ем қидиради. Кўк қуртни доривор билан заҳарладик, сув билан ювдик, хатто кўлда теріб олдик. Ниҳоят, тамомила тугатдик. Бош апроном бутун ана шу вақт мобайнида деярли биз билан бирга бўлди, «жанговар операция»га раҳбарлик килди.

Биз ютуқларимиз учун ўзимиз миннатдор бўлган кишиларни эсласак, республикада хизмат кўрсатган агроном Григорий Иванович Солянкининг номини ҳам тилга олишимиз керак. У дўстмисан-дўст! Бу киши бригадамиз далаларида меҳмон эмас, ишимизга жон-дилидан ёрдам берадиган одам, ўз кишимиз.

Ажойиб олим, ўзини колхозчиларга саҳийлик билан бағишлаган Каэтан Антонович Висоцкийнинг номини ҳам тилга олиш керак, албатта. Мен неча марталаб унинг ҳузурига, Ўсимликшунослик институтига бориб маслаҳатлар сўрадим.

Жумладан Каэтан Антонович бизга экиш учун мос навларни танлашда кўмаклашди. Биз дон учун экаётган «ВИР-156» нави Висоцкийнинг раҳбарлигида ажратилди. Никита Сергеевич Хрушчев колхозимизда бўлган вақтида маккажўхорида сув эмас, крахмал муҳим, деган эди. Шундан кейин рансимиз Ман Гим Хван Висоцкийнинг ҳузурига яна борди. У бизга ўзи янги яратган «Ўзбек октиши» навини тўҳфа қилди.

Ниҳоят, рансимиз тўғрисида ҳам гапиришни истардим. Мени тўғри тушунишади деб ўйлайман: менинг тўғримда ёзишганида, ахир ўртоқлар, сизлар Тимофей Григорьевични (Ман Гим Хванни бизда ҳамма шундай деб атайди) унутиб қўясизлар-ку, деб баралла айтим келади. У колхозимизда маккажўхори учун энг отаким, энг астойдил курашчи, маккажўхорикорларнинг энг содиқ ёрдамчисидир.

Уни ҳамма танийди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Мен уни 1953 йилнинг кузагида колхозимизга келган вақтидан буён биламан. У ёшгина йигит эди. «Политотдел» колхози ўша вақтда қолоқлар рўйхатидан мустаҳкам ўрин олган эди.

Мен унинг хонасида ва менинг даламда бўлиб ўтган узоқ суҳбатларимиз тўғрисида, у биз бошлаган ишнинг йўлида турган ғовларни қандай килиб қулатгани, дўстларни ва аклли маслаҳатчиларни кидиргани тўғрисида айтиб беришим мумкин. Ахир, буларнинг хаммасини айтиб ado килиб бўладими! Бир сўз билан айтганда ранс...

Ҳа, ҳамма нарса ва ҳамма кишилар тўғрисида гапирганинг билан ado бўлмайди. Мен ҳали иккинчи тракторчи Ким Пен Квон, иккинчи сувчи Кир Бон Сеннинг номини, кўпгина ўртоқларим ва дугоналаримнинг, комсомолларимиз ва коммунистларимизнинг номини айтганим йўқ. Улар ранжиманглар деб ўйлайман, ахир улар ном чиқариш учун меҳнат қилаётганлари йўқ-ку. Улар ўзлари учун, хаммамиз учун, мамлакат учун меҳнат қилмоқдалар. Колхозимизнинг бойиши учун меҳнат килмоқдалар. Тошкент ишчиларига тобора кўпроқ гўшт ва сут етказиб бериш учун меҳнат қилмоқдалар. Роза Квоннинг хотиржамроқ ишлаши учун меҳнат қилмоқдалар.

Роза Квон тўғрисида барибир алохида тўхталиб ўтаман. Биринчидан шунинг учунки, биз етиштираётган силос ва дон Роза ишлаётган сутчилик фермасига боради. Иккинчидан, Роза «арча»ни бошқаради, бир ўзи 150 бош сигирни соғади. Ниҳоят, шунинг учунки, Роза ажойиб киши, оқила, камтар.

Маккажўхорикор бригадамизни тузишганида, дастлаб Роза Квонни бошлиқ килиб тайинлашди. Биз у билан уйга қайтаётганимизда, Розанинг нақадар қувонганини, ўзининг дадил режалари тўғрисида сўзлаб берганини ҳали-ҳали эслайман! Лекин, кейин колхозда Розадан кўра яхшироқ сут соғувчи йўқ, у фермага жуда керакли одам, деган фикрга келишди. Шундан кейин мени бригадир килиб тайинлашди.

Роза-чи? — Роза юрак ўти билан меҳнат киляпти, чин қалбдан ишлаяпти. Унинг ҳам довруғи бутун мамлакатга ёйилган. Ўни ҳам муносиб мукофот қидириб топишига аминман.

Пировардида нима демоқчиман?

Бизнинг замонамизда ҳар қандай муваффақият коллектив меҳнатининггина натижаси бўлиши мумкин. Космик кемалар, электрон машиналар, умуман машиналар, муттасил олинаётган мўл ҳосил — буларнинг ҳаммаси коллектив ақл-идроки, қалби ва қўлининг самарасидир. Эришган ютуқлари учун кимнидир мукофотлаётган пайтда шу ютуқларга даҳлдор бўлган кишиларни ҳам унутмаслик керак. Худди шунингдек, ютуққа эришишга ҳисса қўшмаган кишиларни тақдирлаш ҳам ярамайди.

Умуман мен ўйлайманки, муваффақиятга коллектив туфайли эришдими, бир одамни, ҳатто у жуда яхши ишлаган бўлса ҳам, алохида олиб кўкка кўтармаслик керак. Акс ҳолда бу адолатдан бўлмайди. Негаки, ўша одам елкама-елка туриб меҳнат қилаётган кишилар ўртасида ноқулай аҳволга тушиб колади.

Менга келганда эса шуни айтишим керакки, бизнинг умумий ғалабамиз йўлида уч йилдан буён бир ёкадан бош чиқариб меҳнат қилаётган ўртоқларим тўғрисида хикоя қилмасдан ўта олмасдим. Мен истайманки, уларни бутун мамлакат билсин.

«ПОЛИТОТДЕЛ» колхози.
Тошкент область, Юқори Чирчиқ райони.

(«Известия»дан).

ҚИШЛОҚ ЙЎЛЛАРИ РАВОН БЎЛСИН

Шонли етти йиллигимизнинг ўтган тўрт йили давомида Каттақўрғон райони территориясидаги автомобиль йўлларига гудрон ва шағал ётқизишда анчагина ишлар қилинди. Бу давр ичида 113,6 километр йўл қурилиб, бунинг 72,8 километрига гудрон ва шағал ётқизилди. Бу тадбир ҳамма колхозларни ўзаро ва район маркази билан боғлаш имкониятини берди. Эндиликда колхозлар ичидаги йўлларни — қишлоқлар, фермалар, сушилкалар ва бошқа ишлаб чиқариш участкаларига олиб борадиган йўлларни қайта қуриш ва намунави ҳолга келтириш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун яна 108 километр автомобиль йўллари қуриш лозим.

Маълумки, ҳар йили қишлоқ йўлларини ремонт қилишга кўплаб маблағ сарфланади. Аммо бу йўллар узоқ ўтмай яна яроқсиз ҳолга келиб қолади. Колхозлар қишлоқ йўлларини ҳар йили нари-бери ремонт қилишдан воз кечиб, капитал йўллар қура бошлаши лозим, бунинг учун колхозларда маблағ етарли. Шундагина автомобиль йўллари обод ва тартибли бўлиши мумкин. Ҳар йили йўл четларига дуч келган дарахт кўчатлари ўтқазилади, улар бутун йил давомида парвариш қилинмайди, йўллар тупроқ тўниб кўтарилмаганидан кўпинча сув босиб ётади.

Колхозларнинг экономикаси ўсган, транспортда юк ташиш ҳажми тобора ортаётган ҳозирги шароитда эски йўлларни тамомила янгидан қуриш пайти келганлигини эътиборга олиб, Каттақўрғон район колхозлари, совхозлари ва хўжалик ташкилотлари ўз кучлари билан йўл хўжалиги ишларини тартибга солишни, ҳозирги колхоз йўлларини ободонлаштириш ва янги йўллар қуришни ўзларининг энг муҳим ва биринчи даражали вазифалари деб ҳисобламоқдалар.

КАТТАҚЎРҒОН РАЙОН КОЛХОЗЛАРИНИНГ ИБРАТЛИ ТАШАББУСИ

Район колхозлари 1963-1964 йилларда бажариладиган йўл ишлари планини белгиладилар. Бу планда колхозлар ичида 108 километр узунликда йўл қуриш учун 473 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажариш ҳамда 64,2 минг кубометр шағал ташиб ётқизиш кўзда тутилади.

Шунга кўра 1963 йилнинг 1 январидан 1 февралигача колхозлар ичидаги йўл қурилишларида ишлаш учун колхозчилар ва кўплаб техника ажратилди. Масалан, Крупская номли колхоздан 1300 колхозчи, 2 бульдозер, 3 автомобиль, прицепли 3 трактор; Калинин номли колхоздан 1500 колхозчи, 3 бульдозер, 16 автомобиль, прицепли 6 трактор — ҳаммаси бўлиб райондаги 9 колхоздан 10 мингдан ортиқ колхозчи, 21 бульдозер, 112 автомашина ва прицепли 39 трактор йўл қурилишида қатнаштирилмоқда.

Йўл қурилишида ишнинг сифатига алоҳида аҳамият бериш зарурлиги кўрсатилди. Йўллар равон бўлиши, сирти тўғри чиқарилиши ва йўл четларига дарахт кўчатлари, биринчи навбатда, мевали кўчатлар ўтқазилиши керак.

Колхоз йўллари қурилишида бу йўллардан фойдаланадиган Каттақўрғон сув омбори бошқармаси, область суғориш системаси бошқармасига қарашли Самарқанд қурилиш-монтаж идораси, «Улус» ва «Каттақўрғон» совхозлари ва бошқа ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Колхозчиларнинг йўл қурилишига оммавий суратда қатнашаётган даврида уларни иссиқ овқат ва энг зарур товарлар билан таъминлаб туриш, уларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилашни колхоз правлениелари, район матлубот жамияти ва район соғлиқни сақлаш бўлими ўз зиммаларига олдилар.

Колхозлараро ва ички йўлларни қуришга раҳбарлик қилиш учун алоҳида штаб тузилди ва унга район раҳбарлари, йўл қурилиши мутахассислари аъзо бўлиб кирдилар.

Каттақўрғон район колхозларининг бу қимматли ташаббусини Узбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси кенг маъқуллаб, уни республикамизнинг ҳамма ерида ҳар тараффлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги кўрсатилди.



Фарғона азот ўғитлари заводи республикамиз химия саноати корхоналари даврасига ўтган йили қўшилди. Завод коллективи ҳозирги кунда ғайрат билан ишлаб, қишлоқ хўжалигимиз учун кўплаб минерал ўғит етказиб бермоқда. СУРАТДА: азот кислотаси цехининг умумий кўриниши.

А. Заблоцкий фотоси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМА ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

САМАРҚАНД

Ҳамма ерда бўлгани каби Самарқанд областининг коммунистлари барча меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг Ватанимиз экономикасини гуллатиб-яшнатишга қаратилган ҳужжатларини, партия раҳбарлигини қайта қуриш тўғрисидаги доно кўрсатмаларини бирдамлик билан маъқулламоқдалар. Худди бу фикр шу кунларда ўтаётган ишлаб чиқариш бошқарма партия конференцияларида жуда равшан ифода этилмоқда.

Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилоти конференциясида асосий эътибор пахтачилик ва чорвачиликни кескин ривожлантиришга, бу соҳада ҳозиргача юз бериб келган жиддий нуқсонларни тезда бартараф этишга қаратилди. «Чинбойобод» колхози партия ташкилотининг секретари Т. Усмонов, «Узбекистон» колхози партия комитетининг секретари Б. Иброҳимов, Калинин номли колхознинг сут соғувчиси Г. Эргашева, «КПСС XXII съезди» колхозининг раиси Х. Имомова ва бошқа ўртоқлар ўз коллективлари ўртасида партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми ҳужжатлари чуқур ўрганилаётгани, хўжаликни бошқариш пленум белгилаб берган тадбирлар асосида қайта қурилаётгани тўғрисида гапирдилар.

Иштихон, Норпой ишлаб чиқариш бошқармалари партия ташкилотларининг конференцияларида сўзга чиққан ўртоқлар халқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш юзасидан ленинчи партия Марказий Комитети томонидан ишлаб чиқилган янги тадбирлар қишлоқ хўжалик экономикасини юксалтиришда қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида сўзладилар.

БУХОРО

Ишлаб чиқариш бошқарма партия конференцияларида минг-минглаб делегатлар қатнашмоқдалар. Улар ўзлари сайлаб юборган ташкилот коллективларининг фикрларини ифода этиб, ноябрь пленуми қарорида ва ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада кучайтиришнинг бирдан-бир янги программаси белгилаб берилганлигини таъкидламоқдалар.

Вобкент ишлаб чиқариш бошқармаси партия конференцияси ишчанлик вазиятида ўтди. Конференцияда сўзга чиққан делегатларнинг ҳаммаси ноябрь Пленуми белгилаган тадбирлар КПСС XXII съезди қарорларини тезроқ амалга оширишга қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар.

«Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи Мукаррама Қандова ноябрь Пленумининг қарори ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан маҳкам боғланганлигини, бу қарор халқ манфаатларини кўзлаганлигини айтди.

ФАРҒОНА

Қува ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилоти конференциясида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи Фарғона область комитети ташкилот бюросининг раиси ўртоқ Г. А. Габриельянцнинг «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ва ишлаб чиқариш партия ташкилотларининг вазифалари» ҳақидаги доклади кенг муҳокама қилинди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар асосий эътиборни пахта ҳосилдорлигини кескин оширишга, ички резерв ва имкониятларни ишга солишга қаратдилар. Танқид, ўз-ўзини танқид асосида ишдаги камчиликлар очиб ташланди. Шу нарса қайд қилиндики, хўжаликка раҳбарлик этишдаги илғорги методлар эскириб қолди. Партия раҳбарлигининг янги структурасини ишлаб чиқариш манфаатлари тақозо этади ва бу раҳбарлик бевосита оммага, ноз-неъматлар вужудга келтириладиган манбага қаратилади.

Ленинград ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотининг конференциясида кадрларни танлаш ва тарбиялаш, ёш, талантли кишиларни раҳбарлик вазифаларига дадиллик билан кўтариш, хўжаликларда техникадан мақсадга мувофиқ фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилди.

Қўқон суперфосфат заводида ташкил қилинган ишлаб чиқариш комитети меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши учун курашмоқда. СУРАТДА: ишлаб чиқариш комитетининг йиғилишида комитет раиси И. ГУДЦАЛЮК сўзлаяпти.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИЛҒОРЛАР ҲИСОБИГА

Яқинда Олтиариқ районидаги «Партия XX съезди» колхози бошланғич партия ташкилотига бир группа илғор ёшлардан ариза тушди. Улар ўз аризаларида партия сафига қабул қилишни сўраганлар. Улар орасида кўпминг килограммчи теримчи Раҳбарой Худойберганова, юқори ҳосил устаси Мирзажон Набиев, шофер Акрамжон Беққулов, агротехник Иноможон Назиров ва бошқалар бор. Булар партия аъзолигига кандидат қилиб қабул қилинди.

Н. РАУФЖОНОВ.

ҲИСОБОТ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Наманган колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасида бухгалтерия ходимларининг 3 кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинарда колхозларнинг бухгалтерлари, экономистлари, ревизия комиссияларининг раислари қатнашдилар. Семинар қатнашчиларига 1962 хўжалик йилининг якунлари, 1963 йил молия-ишлаб чиқариш планларини ҳамда йиллик ҳисоботларни тузиш, даромадни тақсимлаш юзасидан Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг старший инструктори У. Аллаберганов, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг ходими П. И. Марков, бошқарма ходимлари З. Галиев, И. Охунов ўртоқлар йўл-йўриқ, маслаҳат бердилар.

30 ТРАКТОРЧИ

Чуст районидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртида тракторчилар тайёрлаш бир йиллик курсини 30 киши тугаллади. Ёш тракторчилар колхоз ва совхозларга жўнаб кетишди.

И. НАРЗУЛЛАЕВ.

СТУДЕНТЛАР ПЛЕНУМ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Тошкент Давлат университети ижтимоий фанлар кафедрасининг бошланғич партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини студентлар ўртасида кенг пропаганда қилмоқда. Бу ердаги барча сиёсий тўгарак ва семинарларда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлиги» тўғрисида Пленумда қилган доклади ва Пленум қарори ўрганилмоқда. Бундан ташқари, университет профессорлари, ўқитувчилари студентларнинг ётоқхоналарига бориб, шу масала юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Лекция ва суҳбатларда асосий эътибор экономикани янада тараққий эттиришда фаннинг ролини ошириш масалаларига қаратилмоқда.

Я. СЕРИП.

Хатлардан сатрлар

⊙ Тошкентдаги Егоч ишлаш комбинати қошида янги болалар боғчаси очилди. Унда комбинат ишчиларининг 100 дан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда.

Н. РАҲИМОВА.

⊙ «Узсельхозтехника»нинг Ленинград район бўлимида тўрт йиллик механизаторлар тайёрлаш курси очилди.

А. ЭРМАТОВ. З. ГИЕСИДДИНОВ.

⊙ Янги қурилган ётоқхона Балиқчи районидаги Калинин номли ўрта мактаб ўқувчилари учун анча қулайлик туғдирди.

У. АБДУЛЛАЕВ.

⊙ Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозида янги мактаб биноси қад кўтарди.

Х. АКБАРОВ.

КОММУНИЗМ НАЗАРИЯСИНИНГ ИЖОДИЙ РИВОЖИ

ПРОПАГАНДИСТ ВА АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

<>

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети марксча-ленинча революцион таълимот асосида мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг назарий ва амалий проблемаларини ишлаб чиқишда жуда катта жасорат кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг тарихий ноябрь Пленумининг ҳаётбахш қарорлари ана шу жасоратнинг янги намунасидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш тўғрисида қилган докладида партиямизнинг тарихий XXII съездидан кейин ўтган даврнинг ичида яратувчи ва ижодкор совет халқи партия раҳбарлигида коммунистик қурилиш соҳасида эришган катта ғалабаларга якун ясалди ва халқ хўжалигига партия раҳбарлигини такомиллаштиришнинг истиқболлари кўрсатиб берилди.

«Бизнинг ленинчи партиямиз, — деди Н. С. Хрушчев Пленумда қилган докладида, — **идора қилувчи партиядир ва коммунистик қурилиш соҳасидаги буюк планларнинг амалга оширилиши партиямиз ўз фаолиятини қандай ташкил этишига, халқ хўжалигини қандай бошқаришига боғлиқдир. Марксча-ленинча илмий принциплар партия сиёсатига негиз қилиб олинган. Партия ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятларига асосланиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келмоқда. Худди шу нарса партиянинг жамият ҳаётидаги янги, прогрессив ҳодисаларни ўз вақтида пайқаб олиб ривожлантиришига, омманинг ижодий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашига имкон бермоқда».**

Пленумда ҳозирги шароитда — коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш учун кураш кенг авж олиб кетган даврда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари партия сиёсатини, хўжалик қурилиш планларини амалга оширишни тўғри ташкил этишга боғлиқ эканлиги таъкидланиб, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига янада конкрет ва плачли раҳбарлик қилишни таъминлаш мақсадида халқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи партия раҳбар органларини тузишда ишлаб чиқариш принципига ўтишнинг прогрессив аҳамияти илмий ва практик асослаб берилди. Жумладан, қишлоқ район партия комитетлари ўрнига йириклашган ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармалари партия комитети тузиш мақсадга ўта мувофиқдир.

Ноябрь Пленуми қарори асосида Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишдаги кучларини янада яхшироқ координациялашга имкон берадиган Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши, Ўрта Осиё пахтачилик бошқармаси, Ирригация ва совхозлар қурилиш бош бошқармаси ҳамда капитал қурилишга раҳбарлик қилувчи ягона орган — «Средазстрой» тузилиши ленинча миллий сиёсат партиямиз томонидан оғишмай амалга оширилиб келинаётганлигининг яққол намунасидир. Бу тадбирлар мамлакатимиз халқлари дўстлигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Ўрта Осиё республикаларининг партия, совет ва хўжалик органларининг фаолиятини координациялаш ва мувофиқлаштиришда катта роль ўйнайди.

Марказий Комитет Пленуми шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтдики, партия органларини ишлаб чиқариш принципи асосида тузиш партиянинг саноатга, қурилишга ва қишлоқ хўжалигига янада конкрет ҳамда планли раҳбарлик қилишини таъминлаш ҳамда меҳнаткашларнинг куч-ғайратини ишлаб чиқариш суръатларини оширишга тўла қаратиш имконини беради. «Ана шундай қайта қуриш, — дейилади Пленум қарорида, — партия фаолиятининг ҳамма томонларини активлаштиришга ёрдам беради, ташкилий ва идеология ишларини коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ва янги кишини тарбиялаш вазифалари билан янада маҳкам боғлайди».

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш илмий-техника прогрессини жадаллаштиришни, техника ва технология процессларини доимо такомиллаштириб боришни талаб этади. Илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларига раҳбарлик қилишнинг турли министрликлар зиммасига юкланиши илмий ишларни координациялашга ва янги техникани ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга тўсқинлик қилди. Шунинг учун ҳам Пленум етакчи институтлар ва заводларнинг конструкторлик бюроларини уларнинг тажриба базалари билан биргаликда СССР Министрлар Советининг саноат тармоқлари бўйича давлат комитетларининг ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқдир, деб кўрсатди.

Партиямиз совет халқини саноат, уй-жой ва маданий-маиший қурилишни ташкил этишда содир бўлаётган камчиликларга қарши ўт очишга чорламоқда. Баъзи халқ хўжалик кенгашлари, маҳалли партия органлари бир қанча холлларда умумдавлат манфаатини ҳисобга олмай, маблағларни иккинчи даражали объектларга сочиб юборди. Шунинг билан бирга лойиҳалашда ва қурилишларда бир қанча ортиқча безакбозликка йўл қўйилди. Бунга Пленум қарорида таъкидланилганидек, кўпгина лойиҳалаш институтларининг тор доирада иш олиб бораётгани, лойиҳалаш ташкилотларининг ва илмий тадқиқот институтлари билан яхши алоқада бўлмаганлиги сабаб бўлди.

Пленум планлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга катта эътибор берди ва Сталин шахсига сиғиниш авж олган вақтда планлаштиришга ўз таъсирини ўтказган субъективизм қолдиқларини тез тугатиш тадбирларини белгилади. Жумладан, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш перспектив планларини ва уларни йиллар бўйича тузишга раҳбарликни яхшилаш манфаатларини кўзда тутиб, марказий планлаштирувчи органлар ўртасидаги функциялар аниқ белгиланган қарор қабул қилинди. Бунга асосан ҳозирги вақтда йиллар бўйича перспектив планлар планлар белгиловчи СССР Госпланининг функциялари янги органга — СССР Халқ хўжалиги кенгашига топширилди. Давлат иқтисодий кенгаши СССР Госпланига айлантирилди ва перспектив планлар тузиш унинг зиммасига юклатилди. Пленум қарори партия ва хўжалик органларига раҳбарликни такомиллаштириш тўғрисидаги ленинча принципнинг янги тантанаси бўлди.

Мамлакатимиз коммунизм сари жадал олга бормоқда. Жамиятимиз тараққиётининг муайян бир босқичида давлат, маъмурий-бошқарув органлари барҳам топади, иқтисодий бошқарув органлари эса сақланиб қолади. Коммунизм қурилишида партия, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятининг тез ўсаётганлиги ана шундан далолат бериб турибди. Ҳозир мамлакатимизда 10 миллиондан ортиқ партия аъзоси, 20 миллион комсомол, 66 миллион касаба союз аъзоси бор. Бу жуда катта ижтимоий кучдир. Корхоналарда ва қурилишларда — кенг ваколатли органлар — завод, фабрика ишлаб чиқариш комитетлари ва йирик корхоналарда эса цех ишлаб чиқариш комитетлари тузилаётганлиги ана шу ижодий кучлар равнақига хизмат қилади. Бу комиссиялар ишчилар, инженерлар, хизматчилардан, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакилларидан иборат бўлади ва улар планларни муҳокама қилишда ва бажарилишида, контроль, меҳнатни нормалаш каби муҳим ишларда бевосита қатнашадилар. Бироқ, бу корхоналар директорларининг шахсий масъулиятини асло камайтирмайди. Халқ оммасини ишлаб чиқаришни бошқаришга бу қадар кенг жалб этишни доҳиймиз Ленин орзу қилган эди. Улуғ Ленин ўз фаолиятида ҳамиша кенг оммага таянар, омма билан бирга бўлар эди. «Биз, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — халкнинг кўнглидагини тўғри ифода қилсаккина идора кила оламиз». Лекин баъзи раҳбарлар доҳий кўрсатмасини унутиб қўйдилар. Масалан, Сталин омма билан алоқа боғлаш учун ўзида эҳтиёж сезмади, омманинг ижодий кучига ишонмай, халқдан ўзини четга тортди. Ленин ишига содиқ бўлган Коммунистик партия Сталин шахсига сиғиниш оқибатларини охиригача тугатиб, Ленин кўрсатиб берган йўлдан халкимизни коммунизм сари бошлаб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг ягона партия-давлат контроли комитети тузиш ва жойларда уларнинг тегишли органларини вужудга келтириш тўғрисидаги қарори коммунистик жамият қуриш авж олдириб юборилган ҳозирги вақтда жуда катта аҳамиятга эгадир. В. И. Ленин партия ва давлат контроли зиммасига юксак ва масъулиятли вазифани юклаб, партия ва давлат контролини бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини кўрсатиб берган эди. Оқилона бу кўрсатма партия томонидан Марказий контроль комиссияси ва ишчи-деҳқон инспекциясини бирлаштириш йўли билан амалга оширилди.

Контролни ташкил этишнинг бу системаси бюрократларга ва саналорларга, мансабни суиистеъмол қилувчиларга, текинхўрларга ва халқ мулкини талон-торож этувчиларга қарши курашда партия ва давлатимизнинг асосий қуроли бўлди. Лекин, афсуски, партия-давлат контролининг ленинча принцип системаси шахсга сиғиниш вақтида оммадан ажралиб колган бюрократик контроль билан алмаштирилди. Партиянинг XVII съездида Сталин таклифига мувофиқ партия-давлат контролининг ягона органи ўрнига икки контроль маркази — партия Марказий Комитети ҳузурида партия контроль комиссияси ва СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида совет контроль комиссияси тузилди. Натижада меҳнаткашлар оммаси контроль органлари ишларига қатнашишдан четлаштирилди. Шу билан бирга, шахсга сиғиниш авж олган вақтда контролнинг кўпгина муҳим функциялари давлат хавфсизлиги органларига топширилди. Бу эса асосиз оммавий репрессияларнинг кучайишига олиб келди. Коммунистик партия бундай нобоп практикага чек қўйди.

Ноябрь Пленумининг тарихий қарори асосида ташкил этилган партия-давлат контроль комитети коммунистик жамият қурилишидаги барча резерварни ишга солишда, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини текширишда, кўзбўямачиликка ва умуман социалистик жамиятимизга хос бўлмаган бошқа ярамас ҳолларга қарши курашда жуда муҳим роль ўйнайди. Коммунистик партия халқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш масаласини ҳал этаркан, В. И. Ленининг янги жамиятни ташкил этиш ва социалистик экономикани бошқариш формаларини доимо такомиллаштириб бориш керак, деган кўрсатмаларига тўла амал қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V Пленуми халқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилаш соҳасидаги КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорини тўла маъқуллади ва республикамиз саноати, қурилиши ва қишлоқ хўжалигига конкрет ҳамда малакали раҳбарлик қилиш йўлларини белгилади. Ҳозирги вақтда саноати ривожланган Тошкент, Фарғона, Андижон ва Самарқанд областларида иккитадан — саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи область партия комитетларининг ташкилот бюролари тузилди ҳамда меҳнаткашлар депутатларининг иккитадан область Совети Ижроия Комитетлари сайланди. Республикамизда мавжуд бўлган 117 та қишлоқ районлари ўрнида 60 та ишлаб чиқариш бошқармалари ташкил этилди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарори илмий коммунизм назариясини ривожлантиришга кўшилган янги ажойиб хиссадир. Коммунистик партия олга сурган янги ғоялар халкимизнинг ижодий ташаббускорлигини жўш урдирмоқда, меҳнаткашларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Пленум қарори ва материаллари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқи тарихида, халқаро коммунистик ҳаракат тарихида ўчмас из қолдиради. Чунки булардa В. И. Ленининг ўлмас таълимоти ва доҳиёна кўрсатмалари ўзининг тўла ифодасини топган.

Р. НОРЖИГИТОВ, тарих фанлари кандидати.

ЗАВОДДА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ташсельмаш» заводи ҳузурида илмий-техника билимлари халқ университети очилди. Университетда икки факультет бор. Дарс машғулотлари бир ойда икки марта бўлади. Университет тингловчиларига икки йилдан сўнг назарий билим олганликлари тўғрисида гувоҳнома берилади.

Университет завод ишчилари малакасини оширишда катта аҳамиятга эга.

И. ҲАТАМҚУЛОВ.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ. Шеробод чўлида ташкил қилинган «Комсомолобод» совхозининг Холниёз Рўзимуродов бошлиқ комплекс қурувчилар бригадаси коллективи ўтган йилнинг иккинчи ярмида 25 та икки квартирали уй-жой бинолари қуриб берди. Шу кунларда бригада аъзолари қўриқ ердаги совхозда болалар боғчаси ва ясли қурилишида ишламоқда. СУРАТДА: бригадир Х. РУЗИМУРОДОВ (чапда) ва ғишт терувчи Ҳ. АЗИЗОВ.

А. Ким фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚАРШИ ДАШТИДА НЕФТЬ

Геологлар Қарши даштидаги яна бир қўриқни — ер ости бойликларини разведка қилишни кучайтирмоқдалар. «Қаршинефтегазразведка» трестининг коллективи катта ғалабага эришди. Коллектив Қарши яқинидаги Айзавот структурасида фонтандай отилиб чиқадиган йирик нефть кони топди.

— Янги топилган кон, — деди ЎзТАГ мухбирига Ўзбекистон ССР Геология ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Х. Т. Тўлаганов—республиканинг нефтни қайта ишловчи саноати учун Қарши даштида янги хом ашё базасини тезроқ вужудга келтиришга ёрдам беради. Етти йилликнинг бешинчи йилида ана шу районда нефть ва газ қидириш ишлари кенгайтирилади. Янги конда чуқурлиги уч километрдан ортадиган яна учта қудуқ парма лаяпти. (ЎзТАГ).

Оламда нима гап

Капиталистик мамлакатларда фармацевтика фирмаларининг бойлик кетидан қувиши минглаб кишиларнинг ястиғини қуритмоқда. Тегишли текширишлардан ўтказилмаган медикаментлар кенг реклама қилиниб, очиқ-ойдин сотилмоқда. Кейинги пайтларда Ғарбий Германияда ҳомиладор аёллар учун чиқарилган «зарарсиз тинчлантирувчи дори» талидомид касофати натижасида болалар майиб-мажруҳ бўлиб туғилмоқда. Мана, бу суратдаги қизча қўлсиз туғилган. Гейдельбергдаги ортопедик клиника унга сунъий қўл ясаб берди. Лекин бу бечора қизча учун чинакам қувонч бўлармиди!

Кейстон—ТАСС фотоси.

КАТАНГАДАГИ ВОҚЕАЛАР

ЛЕОПОЛЬДВИЛЬ, 3 январь. (ТАСС). Катангадан хабар берадилар: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари Катанга жандармериясининг қаттиқ қаршилигини енгиб, бугун Жадовилга қатъий ҳужум бошладилар.

Олинган хабарларга қараганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинларининг Ҳиндистон ва Эфиопия қисмлари Луфира дарёсидан ўтганлар ва дарёнинг ғарб соҳилида вужудга келтирилган истеҳкомдан Жадовиль томон ҳужум операцияларини кучайтириб юборганлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вакили мухбирларга қуйидагиларни хабар қилди: Айни вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинлари сафида бўлган ва кеча Каминадан Кабонго томон йўл олган моторлаштирилган швед отряди бугун эрталаб Килуби электростанциясини ишғол қилди.

НЬЮ-ЙОРК, 3 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири хабар беради: Жадовилда бўлса керак. Чомбе ҳозирги вақтда Жадовилда бўлса керак. Чомбе жандармериясининг йирик кучлари, шу жумладан оқлар орасидан ёллаб олинган сотқинлар шу шаҳарга тўпланганлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинлари сафидаги ҳинд офицерларининг ҳисобича, Жадовилда Катанга жандармларидан тахминан 3 минг киши ва оқ сотқинлардан қарийб юз киши бор.

Юнайтед Пресс Интернешнл агентлигининг мухбири хабар беради: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари ўтган кечаси Чомбе армиясида хизмат қилаётган оқ сотқинлардан парашют-десант аскарлари кийимини кийган икки кишини асир олганлар.

ЛОНДОН, 3 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Солсбериядаги мухбири Катангадан олинган хабарларга асосланиб, қуйидагиларни билдиради: Чомбе бугун эрталаб, агар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари ҳужумни тўхтатмасалар, «ҳаммаёқни вайрон қилиш» тактикасини қўлланиш билан таҳдид қилди.

АҚЛ-ИДРОК БИЛАН ИШ КЎРИШГА ДАЪВАТ

СОФИЯ, 3 январь. (ТАСС). Болгариянинг «Земеделско знаме» газетаси қуйидагиларни ёзади: Англиядаги «Дейли экспресс» газетасининг саволларига Н. С. Хрушчевнинг берган жавоблари барча тинчлик тарафдорларига яна бир яхши совғадир. Бу жавоблар улуғ Совет давлати бундан буён ҳам тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилажагини яна бир марта равшан ва аниқ тасдиқлайди.

Газета Ғарбий Берлин масаласидаги совет таклифларига тўхталиб, Совет Иттифоқи тамомила мақбул компромиссни яна таклиф этди, деб таъкидлайди.

«Земеделско знаме» газетаси СССР ақл-идрок билан иш кўришга, тинч мусобақа қилишга ва тинч-тотув яшашга яна даъват этди, халқлар истаётган мақсадга эришиш, яъни урушсиз ва қуролсиз дунёни вужудга келтиришнинг конкрет йўлларини таклиф этди, деб уқтириб ўтади.

ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ВА РЕАЛИСТИК РУҲДАГИ БАЁНОТ

КОПЕНГАГЕН, 3 январь. (ТАСС). «БТ» газетаси Англиядаги «Дейли экспресс» газетасининг саволларига Н. С. Хрушчевнинг берган жавобларини шарҳлаб, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Бош министр Хрушчевнинг янги йил муносабати билан берган баёнотини тинчликсеварлик ва реалистик руҳдаги баёнот, деб таърифлаш мумкин... Хрушчев тинч-тотув яшашга яна даъват этди. Тинч-тотув яшаш шароитида бўладиган тинч иқтисодий мусобақада афзалроқ социал система ғалаба қилади».

«Политикен» газетаси Н. С. Хрушчев жавобларининг эндиликда катта ва кичик ҳар бир давлатнинг мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлидаги умумий ҳаракатига қўшаётган ҳиссаси муҳим эканлиги тўғрисида сўз борган қисмини алоҳида уқтириб кўрсатади.

БУТУН ЖАҲОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

РАНГУН, 3 январь. (ТАСС). «Шарқ» нашриёти Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Советининг кейинги сессиясида «Ҳозирги халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати» тўғрисида қилган докладини бирма тилида айрим брошюра қилиб нашр этди.

Брошюранинг кириш сўзида бундай дейилади: «Хрушчевнинг бу нутқи бутун инсоният учун ғоят муҳимдир. Совет бош министрининг докладида ҳозирги халқаро аҳвол батафсил таҳлил этилади.

17 йилдан кўпроқ вақтдан бери Америка қўшинлари Жанубий Кореяни оккупация қилиб турибди. Америкача «ёрдам» натижасида мамлакат экономикаси инқирозга учради: саноат ва қишлоқ хўжалиги издан чиқди. Ишга яроқли аҳолининг 60 процентини ишсиз ёки ярим ишсизлар ташкил этади. Нарх-навонинг тинмай ошиб бораётганлиги меҳнаткашлар дарди устига чиқиқон бўлаётир. СУРАТДА: Сеулдаги қашшоқларнинг кулбалари.

ЦТАК — ТАСС фотоси.

«СССР КУБА ХАЛҚИНИ ТЎЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ»

ГАВАНА, 2 январь. (ТАСС). Гавананинг барча газеталари Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежневнинг Куба революцияси ғалаба қилган кунининг тўрт йиллиги муносабати билан Фидель Кастро ва Освальдо Дортикосга юборган табрик мактубини кўринарли ўринларда босиб чиқарди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ ТЕКСТИ ФИН ТИЛИДА БРОШЮРА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 3 январь. (ТАСС). Н. С. Хрушчевнинг «Ҳозирги халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати» ҳақида СССР Олий Советининг сессиясида қилган доклади тексти брошюраси Финляндияда кўп нусхада чиқарилди.

«Мундо» газетаси табриконмадан олинган «Куба халқи ҳамма вақт совет халқининг дўстларча қўллаб-қувватлаши ва ёрдамига таяниши мумкин» деган сўзларни сарлавҳа қилиб қўйган.

«Нотисиас де ой» газетаси «Хрушчев ва Брежнев совет халқининг кубалик биродарларига қардошларча ёрдам бериши ва қўллаб-қувватлашига яна ишонтирадилар» деб ёзадр.

«СССР Куба халқини тўла қўллаб-қувватлайди», — деб уқтиради «Революсьон» газетаси.

Газеталар ВЦСПСнинг Куба касаба союзларига, ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёш коммунистлар союзига табрик телеграммаларини, совет космонавтларининг ва Совет Иттифоқидаги бошқа кишилар ҳамда ташкилотларнинг Куба халқига табрикларини босиб чиқарди.

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА ЭСКИ МАВЗУДАГИ ГАПЛАР

ПАРИЖ, (ТАСС). Франция президенти де Голль янги йилга бағишлаб Франция радиоси ва телевидениеси орқали нутқ сўзлади. Президент ўтган йилга қисқача якун ясаб, ўз таъбири билан айтганда, 1963 йилда Франция олдида очиладиган перспективалар манзарасини чизиб берди.

Шахсий ҳокимият режимининг ўтган йил мобайнидаги фаолиятини жуда чиройли бўёқларда тасвирлаб, де Голль Франция илгари ҳеч қачон бу қадар равнақ топмаган эди, деб даъво қилди. У, «умумий бозор»ни «Париж—Бонн» ўқини яна да мустаҳкамлашга ҳамда замонавий қуролли кучларни барпо қилишга интилиш Франция ўтказаётган сиёсатининг негизини ташкил қилади, деб эслатиб ўтди. Генерал замонавий қуролли кучлар деганда машъум «зарбдор атом кучи»ни назарда тутади.

ЖИНОЯТ ИЗЛАРИНИ ЯШИРМОҚДАЛАР

ПАРИЖ. (ТАСС). Франкочи маъмурлар Испания Компартияси Марказий Комитетининг қамоққа олинган аъзоси Хулиан Гримау ҳузурига уч француз врачини қўйишга рухсат бермадилар. Бу врачлар яқинда Мадридга борган эдилар.

«Юманите» газетасида эълон қилинган баёнотда врачлар полициянинг гўё Хулиан Гримау 1962 йил 7 ноябрда ўзини ўлдиришга уриниб кўрди ва Мадрид полициясининг комиссариати деразасидан ўзини ташлади, деган уйдирмани тамомила рад қилдилар.

Довюрак испан коммунисти ҳозир ётган Иесериас тюрьма госпиталида француз врачлари олган маълумотларга қараганда, Хулиан Гримаунинг бош суяги ёрилганлиги ва қўли синганлиги аниқланган. Гримаунинг ўзи-ўзини ўлдириш ҳақидаги уйдирмани қатъий рад этди ва уни полиция комиссариатида қийнаганликларини, натижада ҳушидан кетиб қолганлигини айтди.

Врачларнинг айтишларича, Гримаунн қийнаган полициячилар уни ўлган деб ҳисоблаб, деразадан ташлаб юборган бўлишлари ҳам мумкин.

СЕНЕГАЛДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

ЛОНДОН, 3 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Дакардан хабар беради: Сенегал Миллат мажлиси кеча мамлакатдаги фавқулодда ҳолатни Миллат мажлисининг навбатдаги сессияси тамом бўлганига қадар, яъни 1963 йил 1 июлгача давом эттиришни ёқлаб овоз берди.

Сенегалда фавқулодда ҳолат бундан икки ҳафта илгари жорий қилинган эди. Ўша вақтда президент Сенгор мамлакатнинг собиқ бош министри Мамаду Диани ҳукумат бошлиғи вазифасидан тушириб, ўз раҳбарлигида президент кабинетини 1узган эди.

ИККИ МИНГ ЙИЛЛИК ҚАЛЪА

АНДИЖОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). СССР Фанлар академиясининг Археология институти экспедицияси Андижон областининг Қўрғонтепа районидаги Ойим қишлоғи яқинида бир неча йилдан бери археологик қазув ва илмий-текшириш ишлари олиб бормоқда. Бу ердаги Далварзин қалъасининг харобаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, эрамиздан икки минг йил бурун Далварзин шаҳарчасининг аҳолиси ўша даврга нисбатан анча юксак маданиятга эга бўлган.

Фарғона водийсининг олимлари энг қадимий деб ҳисоблаётган бу қалъанинг аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Қалъа атрофи жуда баланд ва қалинлиги 6 метрга етадиган мудофаа девори билан ўраб олинган. Археологлар ўша даврда Далварзин Фарғона водийсининг марказий шаҳри бўлган деб тахмин қилмоқдалар. Антропологлар бу ердан топилган бош суякларини ва бошқа суякларни ўрганиб, Далварзин аҳолиси ўша даврда жанубий Туркманистонда истиқомат қилган қабилаларга ўхшашлигини аниқладилар.

— Далварзин қазилмалари, — деди Археология институтининг илмий ходими Ю. Заднепровский, — Ўзбекистон тарихининг ҳали ўрганилмаган энг қадимий даврини ёритишга хизмат қилади.

ФОТИМА БИБИ БОЗОРОВА 110 ЁШГА ТЎЛДИ

Бир аср — 100 йил яшамоқ қандай яхши! Ҳар ким ҳам бунчалик узоқ умр кўравермайди. Бухоро область, Қоракўл районининг Даргабоғи қишлоғида 1852 йилда туғилган Фотима биби Бозорова эса бир асрдан ҳам кўп умр кўрди, у 110 ёшга кирди. Нуроний кампирнинг катта ўғли Янги Тўраев 66 ёшда. Фотима бибининг 82 невара ва чевараси бор.

Фотима бибининг соғлиғи жуда яхши, у тетик ва бақувват.

Ш. АМИНОВ.

Қорақалпоғистон АССРда Тошкентда ўтказилаётган қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталигига қизғин тайёргарлик кўрилаётир. СУРАТДА: ҳафталикка янги номерлар тайёрлаётган таниқли ҳофиз Жапоқ ШОМУРОДОВ ва ёш артист А. МУҲИНА ўртоқлар.

Р. Саидов фотоси.

ФЕЛЬЕТОН

ИҒВОГАР

Айтайлик Сулаймон Ёқубовни қидириб юриб, у билан тасодифан учрашиб қолдингиз. Бир-бирингизни танимайсиз, аммо бодбадан салом берасиз.

— Салом.

— Салом, хизмат дўстим?

— Сулаймон Ёқубович керак эдилар.

— Хизмат, ёрдам беришга доим тайёрман.

— Ўртоқ Ёқубов сиз бўласизми?

— Фараз қилайлик мен!

— Мен шикоятингизни тешиклиги бетинг кўрмай етуклик аттестати олишганмиш...

— Кейин нима бўлди? Нима бўларди, Ёқубовнинг «сигнали», аввалги «сигналлар»га ўхшаб туҳмат бўлиб чиқди.

Ёқубов кимсан, Янгийўл (собиқ Чиноз) районидаги Крупская номли 9-мактабда «ном» чиқарган иғвогар.

Аслида Ёқубовдан ўпкаламаса ҳам бўлади. Куни-кеча «мактабнинг қуёнларини жиғилдонига урди, темир-терсакни ютиб юборди, ўтинкўмирни ямламай ютди», деб Жониқулов устидан шикоят қилибсиз?

— Хўш, нега яна? Қамалдими?

Асабдан титрайсиз аммо, билдирмайсиз:

— Бу, Жониқулов ўғри, безори, уриб кетди, тортиб кетди, деганларингизнинг бирортаси тасдиқланмади-ку?

— Текширгани келганлар юзаки «ха-ха» қилишади-да, 2-3 кунда жўнаб қолишади. Бундай кўрпа-ястиғини кўтариб келиб, текширган биронта комиссияни эсломайман.

— Газетага, обкомга, область маориф бўлимига, райкомга, хуллас қаерга ёзманг, шикоятингизнинг бирортаси тасдиқланмади.

— Таниш-билиш билан босди-босди бўлаётганини сезиб ўтирибман. Бу гапимга партком Мавлонов ҳам қўшилади.

— Сизни иғвогар деб прокурорга ёзган Мавлоновми?

— Ҳозир у билан умумий тил топганмиз. Мен йўталсам, йўталади. Хуллас, ҳозир ўнг қўлим. Ишонмасангиз, гаплашиб кўринг. Ҳа, Алиқул Қурбонов, Пейсон Қодиров, Эгам Зикировга ҳам учранг. Бошқа киши билан эзмалашиб ўтирмасангиз ҳам бўлади.

Ёқубов қандай одам эканлигига қаноат ҳосил қилгандирсиз.

Фельетон Ёқубов ҳақида, ҳа, ўша сизга жуда таниш бўлган «муҳбир» Ёқубов ҳақида. Қандай «муҳбир» деб ҳайрон бўлманг! Сулаймон Ёқубовичнинг жинига ким ёқмай қолса аҳвол ёмон: у ҳеч бўлмаганда 10-15 кун озор чекади, орқаси узилмай келадиган комиссияларнинг саволига жавоб беравериб, тинкаси қурийди.

Бу иғвогарнинг бир улфати сўрабди:

— Сулаймон Ёқубович, бу ёзганларингиз тасдиқланмаяпти-ку?

— Ҳом калла, — дебди иғвогар, — уларни ишдан қўйиб, сўроқ қилишганининг ўзи мингта тасдиқдан яхши...

Колхозда ишни қойил қилиб, кечки мактабда ўқиган Худойберди Шокиров, Мўртазо Аҳмедов ва Очил Эгамназаровнинг юзга чопарлиги Ёқубовга ёқмай қолди. У, бундай пайтларда ади-бади айтишиб ўтирармиди? Ҳечда! Ёқубов ўйлаётмай, республика газетасига шартта «сигнал» юборди. Эмиш Шокиров Аҳмедов, Эгамназаров ўнинчи синфнинг бетини кўрмай етуклик аттестати олишганмиш...

Ўтирганлар ким-у, ўтириш қанақа ўтириш деган ҳақли савол туғилади.

Булар, иғвогар Ёқубовнинг соясига салом бериб, қораси ўчгунча эгилиб турадиган кашқа одамлар. Чунки, Ёқубов уларни қўрқитиб, дамини қайириб олганига анча бўлди. Бу бечораларнинг қўрқишларига асос борда. Улардан бири—Алиқул Қурбоновни отнинг қиёқаси дейишади. Алиқулнинг бир эмас, икки хотини бор.

Башарти ундан:

— Нега икки хотин билан турибсиз, — десангиз, жавоб тайёр:

— Бирини севаман, иккинчисини кўзим қиймайди.

Кўрдингизми, ана шу таниқ-жони соғ, тогни урса талқон қиладиган фирибгар узоқ вақт чойхонага ин қуриб, қўй сўйиб пуллаб юрди. Ҳозир бир-икки кундан бери ўйда, нафасини ростлаб ётибди. Пейсон Қодировни эса Ёқубовнинг қўлтиқ таёғи, дейишади. У қўлтиғ таёқ бўлишга мажбур. Чунки, текинхўр. Пейсоннинг ҳеч қаерда ишламай, колхоздан юлиб олган томорқасидаги «маҳсулот»ни пуллаб юрганига анча бўлди. Эгам Зикиров «инвалид». Аммо иғвога келганда соппа-соғ одамнигина эмас, устози Ёқубовни ҳам бир чўқишда қочириши мумкин эканлигини сўнгги «фаолияти» исботлаб турибди.

Ҳа айтганча, Ёқубовнинг бошқа бир ҳунари ҳам бор. Бу ҳунарни ҳикоя қиламиз-у, унинг қандай номланишини ўзингизга ҳавола қиламиз. У, колхоздан «касалман», «бола-чақамнинг тоби йўқ», «зарур бўлиб қолди», деб бир неча юзни кўтариб кетган. Колхоз раҳбарлари Ёқубовдан шу пулни ололмай юришган эди, кизиқ ҳангомага дуч келишди. Ёқубов ҳимоянинг яхши усули ҳужум дегандек, тез-тез «Қизил Октябрь» колхози правлениесида пайдо бўлиб, оғзига нима келса, шуни валақлайдиган одат чиқарди:

— Менга қарзингни тўла, деб хат ёзибсанлар. Кимлигимни биласанларми? Ёқубовман! Агар яна бир марта «қарз» деган сўзни эшитсам, ҳаммангни шармандa қиламан, устларингдан шикоят ёзиб, ишдан қўяман.

Ёқубов шундай «муҳим ишлар» билан банд бўлиб турганда, институтдан характеристика сўраб қолишди. У бундай ўйлаб қараса, ўзи ишлайдиган мактабдан «бу одам яхши» деб характеристика ололмайдиган. Ўнинчи синфларга ҳам дарс берувчи бу шоввознинг бир кичик аризасида ўнта ило хато топганингиздан кейин унга «яхши» деб характеристика бериб бўлармиди! Ёқубов шошиб қолмади: ўзи бир соат тугул бир минут ҳам дарс бермаган 21-мактабдан Куанишевнинг жимжимадор имзоси билан характеристика олиб, Тошкент педагогика институтига топшириб, тинчидим деб турганда сири очилиб, сиртқи ўқувдан ҳам ковуши тўғрилаб қўйилди. Бу инсон ҳақида «тинчимади-тинчимади» деган сўзни ҳар куни эшитишга тўғри келади.

Сулаймон Ёқубов! Сиздан илтимос, ҳаммани ишдан қўйиб, заҳрингизни сочаверманг, ўғрига мавжуд бўлган юридик модда иғвогарга ҳам бор. Шундай экан, ўйлаб иш қилинг. Ундай десак, сизда мулоҳаза, фикр, андиша деган нарса нима қилсин! Сизнинг масалангизни мактаб бошланғич партия ташкилоти биз ўйлагандек ҳал қилиб берса, прокурор билан гаплашишнинг ғамини емасангиз ҳам бўлади. Ахир, бир марта партиядан ўчирилиб, мактабдан ковушингиз тўғрилаб қўйилганда, эшик санаб, йиғи-сиғи қилавериб, тавбамга таяндим, деб мўлтиллаб қолганингиз, «мен, туҳматчини кечиринглар», деб аризалар ёзганингиз дарров ёдингиздан кўтарилибдида! Бўлмаса, куни-кеча Тошкент область милиция бошқармасига «ҳаётим хавф остида» деган қабилда навбатдаги юмалоқ хатни учирмас эдингиз...

Воси МАҲКАМОВ.

ҲУКМ ИЖРО ЭТИЛДИ

СУД ЗАЛИДАН

Шаҳрисабз кушхонаси ва бўрдоқи пунктининг собиқ директори Рауф Бурхоновнинг жиноий иши юзасидан халқ судининг ҳукми матбуотда эълон қилинган эди. Бурхонов 1957—1960 йиллар давомида турли колхозлардан умумий оғирлиги 238.164 килограмм бўлган 410 бош қорамол, 2116 бош қўй ва 2 бош чўчқа қабул қилиб олдим, деб сохта квитанция берган ва бунинг эвазига 8 колхоздан 2 миллион 770 минг 668 сўм пул олиб, бунинг 1 миллион 56 минг 976 сўмини ўзи ўзлаштирган.

Бундан ташқари, Бурхонов кушхона ҳузурида молларни қонунсиз сақлаб, давлат ҳисобига бўрдоқи боққан ва бу қадар 33.781 килограмм ортиқча гўштга эга бўлган. Бунинг атиги 1.680 килограммини дафтардан ўтказиб, қолганини сотиб еган ва давлатга шу йўл билан 192.570 сўм зарар келтирган.

Шунингдек, қабул қилинган қўйларнинг жунини қирктириб, четга сотиш орқали 642.721 сўм фойда олган. Боқув маҳалида туғилган қўзиларни дафтардан ўтказмаган, бу йўл билан 240 минг сўмни ўзлаштирган.

Рауф Бурхонов ва унинг ҳамтовоқлари давлатга ҳаммаси бўлиб 2 миллион 381 минг 922 сўмлик зарар келтиргандар ва бундан 1 миллион 149 минг 976 сўмини Бурхонов ўзлаштирган.

Ҳаром пул қутиртирган Бурхонов махфий хонада 477 чет эл ва революциядан олдин чиқарилган рус олтин тангаларини сақлаган. Унинг олти жойдаги ҳовлиси мусодара қилинди.

Давлатга ва халққа катта миқдорда зарар келтиргани учун Рауф Бурхонов СССР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 5 майдаги «Жуда хавфли жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони асосида айбланиб, энг олий жазо — отиб ўлдиришга ҳукм қилинган эди.

Ҳукм ижро этилди.

Р. РАҲМОНОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

ТОМОШАЛАР ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

5 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 8.25 — Қўшиқлардан қўшиқларга. 9.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тожик тилида). 10.30 — Халқ куйлари. 11.20 — «Қиш оқшомлари» (музикали радиокомпозиция). 12.30 — Халқ қўшиқлари ва куйлари. 13.30 — Концерт (электр музика асбоблари оркестри ижросида). 15.35 — Итальян қўшиқлари. 16.00 — Концерт (ёшлар талабига мувофиқ). 17.00 — Янги ҳикоялар (ўзбек тилида). 17.20 — Концерт (уйғур куйларидан). 17.50 — «Жордано Бруно» (Султон Жўра поэмаси асосида рус тилида радиокомпозиция). 18.30—«Мен ёқтирган композитор» (ёшлар хати асосида концерт). 19.20 — Ҳинд кинофильмларидан куйлар. 20.00 — Жўшқин қалбли кишилар (ёшлар учун, ўзбек тилида). 20.15 — Музикали мозаика. 21.20 — Эстрада концерти. 22.05 — Рақс кечаси. 23.15 — Дам олиш соатида.

Иккинчи программа: 19.00 — Ҳазил қўшиқлар. 19.30 — «Юрак ёнмоғи керак» (М. Стельмах романидан парчалар, ўзбек тилида). 20.10 — Халқ талантлари концерти. 20.40 — Орёл радиоси эшиттириши 21.00 — И. С. Тургенев. «Баҳор сувлари» (ўзбек тилида радиопостановка).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.00 — **Чирончоқ қуён** спектакли (Ёш томошабинлар театридан).

Рус тилида: 11.20 — **Золушка** (фильм-балет) 18.00 — **Мультипликацион фильм** (болалар учун). 18.25 — **Шимолда самимий учрашув (ҳужжатли фильм).** 18.45 — **Телевизион янгиликлар.** 19.00—**Рус қўшиқлари ва рақслари.** 19.30 — **Новости дня** киножурнали ва **Ҳийлагар Петр** номли болгар кинокомедияси.

Ўзбек тилида: 21.00 — **Телевизион янгиликлар.** 21.15 — **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт.** 22.20 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.15 — **Ёшлар учун.** 20.35 — **Китоблар оламида.**

Рус тилида: 20.50 — **Тугалланмаган қисса** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Евгений Онегин**, кечқурун **Трубадур**, 6/I да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I га эълон қилинган кундузги спектакль **Ревизор** 7/I га кўчирилади. Сотиб олинган билетлар ярайди, 6/I да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Тобутдан товуш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Икки билагузук**, кечқурун янги спектакль **Кимга тўй, кимга аза**, 6/I да кундуз **Ғазал ғожиаси**, кечқурун **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10/I гача **«Циркда арча»** ва **Катта янги йил томошалари.** Кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

КИНО

Уғил қайдадир — «ВАТАН», «МИР», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Алангали йиллар қиссаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Икки ҳаёт (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кўчалар унутмаган — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Поезд Шарққа йўл олди — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Гекльберри Финн саргузаштлари— НАВОИЙ номли кундуз ва кечқурун).

Кўк кўрфаз капитанлари — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да).

Ун икки ой — «МИР» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Кичик ҳаёлпарастлар — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10-20 минутда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб 10, 11-45 минут ва кундуз 1 яримда), «МОСКВА» (эрталаб 10 да).

Конькили бола — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб 10 ва 11 да).

Мен дўстлашган қиз — «ВОСТОК» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Ким «миёв» деди? — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Улимнинг ўз юзи бор — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

ВИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор—26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари—27914, 29323. Масъул секретарь—34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар—29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343. Эълонлар—28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахона си. Тошкент шаҳри.

Р. 06610. Индекс 64543. Нашр. № 4.